

АВЛОДЛАРИМИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ!



М. Мирсодиқов туширган сурат.

Истиқлол — Қадриятларимиз сандигини ланг очиб юборди. Шу туфайли ҳам иқтисодий ва маънавий ҳаётимизда кескин ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Ҳаётда шундай қалби гузал зотлар борки, улар туфайли бу умидли дунё мунаввардир. Бундайларнинг ҳаёт йули ўзи бир чиройли дoston, ҳамма учун ибратлидир. Республикамиз энергетика соҳасида узоқ йиллардан бери тинимсиз ишлаб, ғайрат-шижоат кўрсатиб келаётган Талъат ака Қосимовни бир корхонада ишлаганимиз боис кўп йиллардан буён яхши биламан. У киши билан диллашиб, ака-укадек қадрдон бўлиб кетганмиз. Бир пиёла чой устидаги суҳбатлар менга бу табарруқ инсоннинг руҳий олами билан яқиндан танишиш имконини берди.

Талъат ака адабиёт ва санъат оламига ниҳоятда қизиқади. Газета-журналлардаги одоб-ахлоққа оид мақолаларни тўплаб чиройли, қалин муқовали еттига альбом бунёд қилганини кўриб ҳайратга тушган эдим. Унинг бу ишидан завқланарканман, қани энди бошқалар ҳам худди шундай тарзда маънавият оламиндан баҳра олсалар, деб орзу қилардим. Кейинги йилларда Талъат ака ўз оиласи шажарасини аниқлаш ва тиклаш учун ғаввос каби тарих қаърига шунғиб кетди. Авлодлари руҳи унга мадад, илҳом берди.

Талъат ака юрт кезиб, эл оралади. Қолаверса, унинг табиятан синчков ва зукколиги, адабиёт ва санъатга ихлосмандлиги қўл келди. Шу тахлит «Доданома» деб номланган оила шажарасини яратди. Муаллиф унутилган анъаналарни катта

бир авлод шажараси мисолида қайта тиклашга эришди.

Рисолани ўқир экансиз, гузал, оромбахш тасаввурлар оғушида ота-боболар боғларини, гушаларини ёдга оласиз, боғбонлари билан суҳбат қургандек бўласиз. Ўзингизнинг ота-боболарингизни, бувиларингизни кургандек, суҳбатлашгандек бўласиз. Уларни қўмсайсиз...

Донолар айтишганидек илм саҳросида зор-зор югурмоққа не етсин ва маъно оламиндан дур қидирмоққа не етсин. Талъат ака ҳам ушбу рисолани ёзиб бир ажиб дунё топагандек бўлдилар.

Азизим Талъат ака ўз хонадонининг падари бузруквори даражасига эришган бахтли инсондир. Фарзандлари Малика, Улугбек, Дилором, Алишер, Феруза, Наргиза, Дилфуза элда ҳурмат-иззат топишган, узларидан тиниб-тинчиб кетишган.

— Утган авлодларимиз билан чексиз фахрланамиз. Оиламиз шажараси буйича изланишим шуни курсатадики, уларнинг ҳаммаси меҳнаткаш, инсоф-диёнатли, юртпарвар одамлар бўлишган экан. Хонадонимизнинг бугунги авлоди утганларнинг ана шу хислат-фазилатларини узларига мерос қилиб олишганидан беқиёс қувонаман. Бу инсонийлик фазилятлари биздан келажақ авлодларимизга ҳам ўтади. Оллоҳ таолодан хонадонимизнига қўши — онахонимиз Махсумахон Мулла Султон домла қизларининг соғомонликларини тилаб қоламиз. Бахтимизга яна узоқ йиллар ёнимизда юрсинлар, — дейди Талъат ака.

Билал АМИНОВ.

Суратда: Талъат Қосимовнинг (чапдан иккинчиси) катта, аҳил оиласи аъзолари

ТИНИБ-ТИНЧИМАС МОМОХОЛ МОМО

Сиз суратда куриб турган бу аёл Фориш туманидаги Исори деган чекка бир қишлоқда яшайди. Исми-шарифи — Момохол Ашурова. Биласиз, қишлоқ аёллари содда, очиккунгил ва меҳнатқаш бўлишади. Улар учун йилнинг ун икки ойида ҳам иш топилади. Момохол момо қиш фаслида фермада сигир соғди, баҳорда ипак қурти боқди. Ёз ойларида далага чиқиб ишлади. Куз эса қишлоқ аҳолиси учун юмушлар фасли. Ҳосилини йиғиб-териб олиш мавсуми. Иш қизигандан қизийди. Бу пайтда қишлоқдагилар ярим ҳазил-ярим чин маънода шундай бир гапни айтишади. «Ишқилиб, уйимизга меҳмон келиб қолмасин-да». Бу гапни бексаранжомликдан меҳмон олдида изза бўлмаслик учун айтишади, ҳолос. Аслида меҳмондустликини қишлоқдагиларга чиқарган. Аммо уларнинг узига хос фазилати бор. Токи пешона тер эвазига етиштирилган деҳқончилик маҳсулотларини саранжом-сариста қилмагунча тиниб-тинчимади, ҳузур-ҳаловат нима билишмади.

Қаҳрамонимиз ана шундай қайноқ ҳаёт ва меҳнат қучоғида яшаган, ёши 55 дан утган аёл. Лекин ҳатти-ҳаракатлари ёшига номуносиб: қаққон ва эпчил.

Ғайрат-шижоати ҳам шунга яраша, юриш-туришларидан ҳали бардам-бақувватлиги сезилиб туради. Момохол момо шу ёшгача курорт ва санатория нималигини билмаган. Нафақага чиққандан кейин йилда бир марта дам оладиган бўлди. Шундаям болаларининг қистови билан. Узига қолса қишлоқидан сози йўқ. Тугилиб усган ва киндик қони тўкилган жойдан кунгил узиб кетиши қийин, қолаверса, от сийлаган жойида азиз, дейдилар. Шунга ухшаш инсон ҳам уз юртида қадри ва ардоқлидир. Булар шунчаки тўқиб ёки бирор жойдан ўқиб айтилган гаплар эмас. Балки содда қишлоқ аёлининг мушдек юрагига тугиб ва жойлаб олган Ватан туйғусининг самимий ва ёрқин ифодасидир.

— Мустақиллик бизга ухшанган куп болалик оилаларга имкониятлар эшигини кенг очиб бермоқда, — дейди момо мамуният билан. — Беш йилдирки, оилавий деҳқон-фермер хужалиги ташкил этиб ишлаяпмиз. Карл Маркс давлат хужалигидан 60 гектар ерни ўн йил муддат билан ижарага олганмиз. Бу ерда бўғдой, нухат, қовун-тарвуз ва бошқа қишлоқ хужалик маҳсулотлари етиштирамиз. Утган йили давлатга 20 тонна бўғдой ва нухат топширдик. Бундан



ташқари рузгорга ҳам ғамлаб олдик. Хамма нарсани узимиз яратамиз. Шунинг учун улчови ҳам, меъёри ҳам уз қўлимизда. Кейин меҳнатнинг нони ширин бўлади.

Момохол момонинг турмуш уртоғи Қўназар Ашуров ҳам меҳнатда суяғи қотган инсон. Ҳалол меҳнати билан оила боқиб, рузгор тебратиб келади. Фарзандлар ҳам ота-онадан курганига амал қилиб яшаркан, бу дунёда. Ўн учта фарзанднинг ҳаммаси меҳнатсевар ва ҳалол инсонлар бўлиб вояга етди. Тўққиз уғилдан бештаси ўйли-жойли, ҳаётда ўз урнини топган. Тог-либей—банк ходими. Шамсиддин — илм кишиси. Салоҳиддин — ички ишлар соҳасида ишлайди. Баҳриддин — техникага кунгил қўйган. У фермер — деҳқон хужалигидан отасининг унг қўли. Рашид — урта

1999 йил —
Аёллар йили

мактабда ўқитувчи, Зайниддин ички ишлар ходими. Илҳомжон — Тошкент Давлат автомобил йўллари институт талабаси. Айни пайтда у харбий хизматдаги аскар. Ватан олдидаги муқаддас ва шарафли бурчини адо этмоқда. Тойир билан Баҳром мактабда аёло баҳоларга ўқишади. Келгусида улар ҳам акалари сингари олий маълумотли бўлишмоқчи. Оиладаги туртта қизнинг «учирма» қилинганга ҳам куп бўлди. Хаммаси тушган жойида сой «тош»ига айланган, узидан ўзи купайиб, тиниб-тинчиб кетган.

Аммо Момохол момо ўн уч тулғоқ азобини тортган аёлга ухшамайди.

Бундай дейишга ундаги дадиллик ва бардам-бақувватлик сабаб бўлади. «Хамма нарсанинг калити меҳнатдир, — дейди момо худди хаёлимиздан кечган ўйни илғаб олгандек. — Меҳнат қилган хор-зор бўлмайди, ҳамиша соғлом юрда. Ўзоқ умр қуради, ризқ-насибаси бутун бўлади».

Дарҳақиқат «Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик», дейдилар. Момохол Ашурова ҳаётда нимагаки эришган бўлса барча-барчасига меҳнати тўғйи эришди.

Комил ТОШМИРЗАЕВ

Бизга жавоб
ёзадилар

ДОРИЛОМОН КУНЛАР
ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

Шу йилнинг 16 февралиди оёсийишта турмушимизни курулмаган кимсаларини қилишимдан еру-қук ларзага келди. Айниқса оналарнинг қалби ҳамон титроқда. Бу кунларга Истиклолга эришмоқ учун озмунча меҳнат қилинмиши? «Оллох» сузини ҳам эмин-эркин айтолмаган кунларимиз қимнинг ёдидан чиқди? Ўзбекистонлик неча юзлаб оналарнинг бағрини қуйириб кетган Афғон уруши эсингиздами?! Менинг ўғлим ҳам айни навқирон ёшдан Афғонистоннинг қонли урушларида қатнашган. У кунлар менинг умримни қанчага қисқартирган! Ёлғиз Оллохга аён. Ушунда ҳам ҳеч нарсга дейлмагандим. Ҳозир болаларимиз ўз бағримизда. Кунларимиз оёсийишта. Болаларимиз ўзлари хоҳлаган илмларини эгаллапти, хунар урганапти. Оналар учун бундай фаровонликдан улғурроқ ҳеч нарсга йўқ. Шундай кунларимизни бузгани уринганларни, нобоб қадам босганларни барча оналар қаргайди. Бу дориломон кунларнинг қадрига етайлик. Кучаларда портлаш, уқ овозлари эмас, фарзандларимизнинг бахтиёр кулгилари эшитилиб турсин.

Раънохон
ЖУМАНИЁЗОВА,
Андижон вилояти,
Булқоқбоши тумани.

ОИЛА ҚОЛ-АҲВОЛИ —
ЭЪТИБОРДА

Самарқанд вилояти Челақ шаҳри Ш. Рашидов кучаси 11-уйида истикомат қилувчи Фуқаро Облоқул Бекназаровнинг редакциядан ёрдам сўраб ёлган аризаси юзасидан вилоят ҳокимининг уринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Барно Самиеваннинг имзоси билан қуйидагича жавоб келди:

О. Бекназаровлар оила-сида ҳақиқатдан 9 киши яшайди. Энг катта фарзандини уйлантирган. У ҳам хотини ва бир фарзанди билан бирга яшайди. О. Бекназаров, унинг хотини Н. Бекназарова ва 11 шаҳар ўғли Ф. Бекназаровлар 2-гурӯх ногиронлари ҳисобланади. Угли ва келини ҳеч қаерда ишламайди.

О. Бекназаровларга 16 ёшгача боласи бўлган кам таъминланган оила сифатида нафақа берилмоқда, шунингдек улар ногиронлик нафақаларини мунтазам олиб туришибди.

«Дустлик» маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоллари томонидан О. Бекназаровнинг оила шароити урганилиб, уларга 1999 йилнинг 1 апрелидан 3 ойга моддий ёрдам тайинланди. Бундан ташқари бу оиланинг аҳволдан хабардор бўлиб туриш маҳалла котибига юклатилди.

О. Бекназаровнинг ўғли ва келинига ишсизлик мақомини олиш учун туман меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлимига мурожаат қилиш тартиби тушунтирилди.

М. ИБРАГИМОВА

САВОБ ИШЛАРИМИЗ ҲАЖ БИЛАН БАРОБАР

Мустақилликнинг халқимизга берган буюк неъматлари ичида виждон, йимон ва эътиқод эркинлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Бугун диний амалларга кенг йўл очилган, хусусан, илгариде эътиш қийин бўлган ҳаж амалларини бажариш учун ҳам қўлай имкониятлар яратилмоқда. Шу боис ҳажга борувчилар сафи тобора кенгайиб бораётир.

Бироқ ҳаж сафарига боришни ният қилган ҳар бир мўмин-мусулмон узига шундай савол бериши керак. «Мен худонинг уйига бориш учун маънан тайёрманми, шунга лойиқ инсонманми?». Бизнингча, Қурбони Каримдан энг камиди унта суранми маъносини тулиқ тушуниб етган, уларни ҳеч бўлмаса кичик давраларда қироатини жойига қўйиб ўқийдиган, дин, шариатдан муносиб йўл-йўриқлар ургата олишга қодир, фарзандлари тарбиясига эътибор берган, имон-эътиқодли инсонлар ҳаж сафарига боришга ҳақлидирлар. Афсуски, кейинги вақтда «Мен сендан камми», қабилда ҳажга борувчилар ҳам учраб турибди. Хаттоки, савдогарлик қилиш ёки бойлик ортириш мақсадида бораётганлар ҳам йўқ эмас. Албатта бундай кимсаларнинг ибодати қабул қилинмайди. Чунки, ибодат бу — қалбни поклаш демакдир.

Ақсарият холларда ҳаж сафарига бориш ҳаммага ҳам насиб этавермаслиги мумкин. Аммо бундан афсус чекмаслик керак. Халқимиз орасида ҳажга бормасдан ҳам савоб ва хайрли ишларни бажариб келаётганлар куп. «Ав-

вал хеш, кейин дарвеш» деганларидек, қариндош-уруғни йўқлаш, муҳтожлардан меҳрини дариг тутмаслик, бог-роғлар яратиш ва ободончилик ишлари билан шуғулланиш ҳам ҳаж сафарига савобидан зиеда бўлса борки, кам эмас. Ёки бўлмаса маҳалладаги бирор болани безорилик йўлидан қайтариш, унга танбех бериш, панд-насихат қилиш ҳам ҳажга тенг савобдир. Ахир бу билан келажақда муқаррар содир бўлиши мумкин бўлган шармандалик ва ёхуд қотилликнинг олди олинмадику. Агар сенинг фарзандинг ёки маҳалладошингдан бирининг ўғли безорилик қилиб, жамиятга зарар келтириб турган бўлса-ю, сен бундай номаъқулчиликни бартираф этиш урнига ҳаж сафарига отлансанг, бунинг ҳолати бормикан.

Бизнингча, шу йилнинг 16 февраль куни Тошкент шаҳрида руй берган нохуш воқеалар ҳам маҳалла-қўйларда таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот ишларини яхши йўлга қўйилмаганлигининг маҳсулидир. Бўлиб утган бундай қўнғилсизликлардан тугри ва оқилона хулоса чиқарган ҳолда ҳаётга оддий куз билан эмас, балки ақл-идрок қўзи билан назар ташлашга, ҳамиша оғоҳ бўлиб яшашга одатланишимиз керак. Шунинг ўзи ҳаж билан баробар савоб ишдир.

О. РУСТАМОВ,
нафақахўр,
Янгиер шаҳри.

ВАЪДА БЕРГАНИ БЕРГАН

Мен 1990 йилдан буён Шахрисабздаги «Гушт» комбинатида ишлаб келаман. Қизимга нафақа пули олиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлаб ишхонамга топширдим. Аммо нафақа пули бермасдан ҳалигача мени алдаб келишади. Бунинг сабабини сўрасам, комбинат директори шундай жавоб берди: «Биз акциядорлар жамиятига айланганимиз сабабли икки ёшгача бўлган болалар учун нафақа тўлолмаймиз».

Ҳўш, у ҳолда мен болаларимга қаердан нафақа олишим мумкин? «Гушт» комбинати раҳбарлари «хўп бўлади, қилиб берамиз», деб қуруқ ваъда беришдан нарига ўтишгани йўқ. Қачон бурсам қўйинимни пуч ёнғоққа тўлдириб юборишади нуқул. Қисқаси вилоятдаги мутасадди раҳбарларга қайта-қайта ёзма ва оғзаки мурожаат қилавериш чарчадим. Сизлардан илтимос, давлат томонидан болаларимга ажратилган нафақа пулини олишга ёрдам беринглр.

Гуляндом ШУКУРОВА,
Шахрисабз тумани, Мироқи шаҳарчаси, Шукр Азизов кўчаси 56-уй.

Тахририятдан: Мақолада келтирилган важлар бўйича Қашқадарё вилояти ҳокимлигидан жавоб кутиб қоламиз.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН ГАЗЕТА

Ҳурматли тахририят! Биз 1999 йил учун «Оила ва жамият», «Тонг юлдузи» газеталарига обуна бўлган эдик. Мана, орадан турт ой уятпти. Хар икки газетани ологанимиз йўқ. Лоақал бирорта сони қўлимизга етмади. Бунинг сабабини сўриштириб тағига етолмадик. Бедарак йўқолган газетамизни топишда ёрдам берасизлар, деган умиддамиз.

И. Жамолов, М. Исаева, А. Исоқулов, Г. Хонқулова,
Самарқанд вилояти, Пайариқ туманидаги 36-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчилари

«ЧАРМ ТЎП» ЯНА ЯШИЛ МАЙДОНДА

Куни кеча ТошДУ спорт майдонида С. Раҳимов туманининг боғчалараро «Чарм түп»нинг навбатдаги мусобақаси бўлиб ўтди. Тумандаги 569-болалар богчасининг «Жиблахибон», 248-болалар богчасининг «Бугирсоқ», 169-болалар богчасининг «Райхон» ва 68-болалар богчасининг «Гулзор» командалари узаро беллашдилар. Жажи кичкин-

тойлар яшил майдонга тушганда ташриф буюрган ота-оналар, томошабинларнинг завқи ошиб, ҳақиқий ишқибозларга айланишди. Бу шоу-турнирда «Бугирсоқ» командаси 4:0 ҳисоб билан ғолиб чиқди.

Бразилия мамлакатига оилада ўғил туғилса, уни қуриш учун тугруқхонага келган ота уни-ўссин деган ниятда қақалоқнинг қўлига футбол түпи

тутқазар экан. Бу футболни жон-дилидан севувчи бразилияликлар учун нафақат одат, балки халқ удумига айланган. Зеро, мамлакатимиз футболда ўз олдига юксак мақсадларни қўйган экан, боғчалараро «Түказилаётган бундай турнирларни қутламоқ, қўллаб-қувватламоқ керак. Ана шундагина юртимиз Бразилия каби ҳақиқий футбол мамлакатига айланади.

Холида МИРСАЛИМОВА

— Бир суд жараёнини озгина кузатишга тўғри келди. Сиз беҳад таъсирчан, кўнгилчан аёл экансиз. Арзимаган кўнгилсиз ҳолдан кўзларингизга пўртираб ёш қалқияпти... бундай ҳолда кунундан четлашиш мумкинмасми?

— Баъзи одамлар узи сезиб-сезмай гуноҳ йўлига киради. Қора курсига ўтириб қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлади. Кейин қамалади... она сифатида, она-сингил, жигар сифатида судланувчига ачинаман. Ачинмаслигининг асло илоҳи йўқ. Мен ҳам аёллар каби ачиниш, қайғуриш, ҳасрат чекиш, жигарларимга ёрдам қўлимни чўзиш каби илоҳий хис-туйғулар билан тўғилганман... Қонун, қонун ижроси ўз йўлига? Мен уни талаб этилгандай ижро этаман. Лекин қандай қилиб... Утган йили бир оилани ажратишга тўғри келди. Мен оилалар ажралишига жуда қаттиққўлман. Ҳар қандай шароитда ажратмаслик йўлини тутаман. Лекин бу гал ажратмаслигининг асло илоҳи қолмади. Дахшат деб шунга айтса керак. Аёл гузалликда теңгисиз. Камсуқум, доно, босиқ. Бундай хислатли аёл бегона эркакка сир очмайди. Эри ҳам чакки эмас. Эри уни судга берган эди. Эри эгри юришга беҳад одатланган экан. Гузал ва қонуний хотинини етти мартадан ортқроқ жинсий касал қилади, турғирогои шундай аёллар билан бўлиб келиб хотинига касал юктиради. Аёл шифолинишга боравериш жонига теғди. Охир: «Хўжайин, худо хайрингизни берсин! Неча марта касал қилдингиз, етар. Энди касал қилсангиз...». Эр бун-

ГҲЗАЛЛИК ТАНТАНА ҚИЛАДИ

Ўрта Чирчиқ туман суди раиси
Сабоҳат ХОЛИҚОВА билан суҳбат

га ҳам қулоқ солмай яна касал қилади. Аёл яна оғир шифоланишдан ўтади ва эрининг бир уртоғига сирини ёради. Бу одам ҳам тезгина ўз манфаати йўлида аёлдан фойдаланади. Оқибат аёл уйга қайтиб келиб оғир бетобланиб қолади. Ҳатто эси оғиш даражасига етади... Отаси, акалари, онаси юзига қаролмай узини ўлдириш даражасига етади. Охир эри: «Сирни айт, нимага бетобланиб қолдинг?» — дейди. Аёл: «Кечирасизми?» — дейди. Эр Оллоҳни тилига олиб кечиршини айтади. Аёл сирни ёради... эркак дарҳол аёлни ота-онасиникига етаклаб бориб, аёлни шарманда қилади... Лекин аёл эр бир неча бор касал қилганини айтмай қолаверади... судда тўғриси-ни айтиди, лекин эркак қўл сирини яширишга тиришди... оила ажралишди... аёл суд охирида: «Эримга раҳмат, сирни ёрилганимда урмади...» дея олди, холос. Айтинчи мана шу ҳолатда таъсирланмай, раҳмдил бўлмай, кимгадир ён босмай бўладими?! Бунақа номард эркаклар камми? Шу аёл ётсам ҳам, турсам ҳам қўзларим олдиндан нари кетмайди.

— Инсон инсонийликдан ўзюклаша бошлаганда барча гуноҳ ишларга ўзини уради. Аёл-эркакларимиз юрагидан ор-номус хис-туйғуси кўтарилаётгани мени ҳам уйга толдиради. Аслида суд ва прокуратура ходимла-

ри ҳақида ёзишдан мақсад — уларни мадҳ этиш эмас аксинча жиноий ишларни очилганини айтиш ва бундай қуфр ишлардан одамларни ўзларини тийишга чақиртишди.

— Мана қўлимда бир неча суд ҳайъати томонидан қўрилган ишлар. Ўрта Чирчиқ туманида истиқомат қилувчи фуқаролар Турсунбоев Жиянбой, Усенқулов Азим, Утаев Бахтиёрлар Киров тажриба ҳўжалигидаги Богда қишлоғида яшовчи фуқаро Холдинбоев Рисбекнинг хонадонига тунда киришиб, сигирларини ўғирлаб, Чирчиқ шаҳридаги мол бозорига олиб боришиб қирқ мингга сотишади, пулни тақсимлаб олишади. Айблари бўйниларига қўйилди. Уларга олти йилдан қамоқ жазоси берилди. Ўн минг, ё ун ун мингдан пул олишди. Лекин олти йил озодликдан маҳрум бўлишди. Олти йиллик умрлари хазон бўлди. Бунга она ёки аёл, сингил, опа, қиз унута оладими?! Йўқ, асло! Судда бундай ишлар қўрилиб, ҳўкм ўқилгандан кейин гангиб анча вақт курсида ўтириб қоламман. Уйга бориб тўлғаниб чиқаман. Ухлаш осон бўлмайди. Билмайдим, бундай туйғу фақат онагагина хос бўлса керак... Уйлаб уйимга етолмайман. Ўзи эзгуликка, олижанобликка, раҳмга ташна инсон, фарибгарликка, қотилликка, турли жиноятларга қарши инсон нима учун баъзан билиб-билмай, баъзан билган ҳолда жи-

ноятларга қўл уради? Ва бу иллатдан қачон у халос бўлади?

— Демак, санъат ва адабиётнинг: «Оллоҳ инсонни мукаммал яратган, борлиқнинг тош-сарвари, инсон — улғў зот», деганлари ҳам нисбий тушунча экан. Ёки инсоннинг таънасида шу қадар камчиликлар мўлки, шу сабабли турли жиноятларни содир қилади.

— Бу фикрда жон бор. Моҳият-этибори билан инсон ёмон ҳўқли кишиларни ёқтирмайди. Жиноятни қоралайди. Дейлик, ҳали тилга олинган — хотинини бузқуликда айбала ажрашган, яъни ўзи етти марта хотинига жинсий касал юктирган эркак нима учун ўзи ифлослик қила туриб хотинининг бир марта қасд олиш учун қилган гуноҳини кечирмади?! Демак асли ёмон одам эди...

Ўрта Чирчиқ туманида туғилган Файзуллаев Элдор исмли йигит Чирчиқ қўргон Мўқимий кўчаси 25 уйга келиб Р. Аминов билан ичимлик ичиб 34 уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб 10 минг сўмлик «Днепр» музлаттичини ўғирлади. Шунингдек улар 6 донга 40 килограмм темир идишни ҳам ўғирлашди. Яна бошқа кишининг эшак аравачасини бозорда номаълум кишига сотиб юборадилар. Файзуллаев Элдор, Аминов Рафаилларнинг бири беш йил, иккинчиси 6 йилга кесилди. Абдураимов Абду-

гаффор ва Йўлдошев Шокиржон Ўрта Чирчиқ туманида жойлашган Республика таъминот базасига кириб 48000 сўмлик 76 ўрамлик газламани ва 200 донга қопни ўғирлашди. Карим Қўлдошев айбдор деб топилиб 5—6 йилга қамалди. Ёши бир ерга бориб қолган шахс ўз онасини таёқ билан уриб ўлдирди. Хабарингиз бор. Буни телевидение ҳам курсатди. Натижада ўзи ҳам улим жазосига маҳкум бўлди. Энди тасаввур қилинг: туққан, қўқрак берган, аллаган, ҳўллас, оёққа турганча бутун роҳатидан айрилган она ўз боласи қўлида ўлди. Она унга ҳаёт берди, бола эса онага улим берди... Ўша эркак ҳам ароққа муқкасидан кетганлардан эди. Умуман юз бераётган айрим жиноий ишлар ёки ичкилик, ё қора дори, наша чекиш оқибатида содир бўладилар. Буларни қўриб таъсирланмай, йиғламай бўладими?!

Биз мустақил юртининг фарзандларимиз. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб мустақиллигимизни мустаҳкамлашимиз, илгор давлатлар қаторига қўшилишимиз шарт ва зарур. Бунда оналарнинг бурчи беҳад қўчлидир. Маъсул-ияти эса муқаддасдир. Мен ўғилларимнинг тарбиясини бир соғина ҳам ёдимдан чиқармайман. Доим диққат-этиборимда, назоратимда туради. Ёшларимиз ёппасига меҳнат билан шўғулланишлари, ичимлик, чекимликлардан ўзоқ бўлишлари керак.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат!

Суҳбатдош: Ў. Ҳақимали

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН УМР



Аёллардан пайгамбарлар чиқмаган бўлса бори-ди. Фақат пайгамбарларни ҳам она туққанлигини унутмасак бўлгани. Зеро, аёл ҳаётининг ўзи бир жасорат. Чўнки у яшаш мажбуриятини борлигича эмас, балки азоб-уқубатлар тарзида ўтайди. Жамиятимизда бундай аёллар истаганча топилади. Шулардан бири Дилором Алиевадир. Бу аёл умрининг қарийб ўттиз йиллини жамоат ташкилотларида бағишлади. Етти йилдики, у Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий кенгашида девон мудираси лавозимда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Аёлининг жамиятда тутган ўрни ва мавқеи қўл жихатдан унинг билим доираси, дунёқараш ҳам-

да сиёсий қарашларига боғлиқ. Бирор партия ёки ҳаракатлар сафида бўлиш, ўз ҳаётини унинг фаолияти билан мувофиқлаштириш эса аёлининг жамиятдаги фаоллигини оширишга хизмат қилади. Бугунги кунда мамлакатимизда сиёсий партиялар сафи кенгаймоқда, улар фаолиятлари ўйғуллашиб бормоқда. Гарчи номланиши турлича бўлсада, аммо мавжуд партияларнинг ўз олдига қўйган мақсади битта. Бу ҳам бўлса ривожланган, одил демократик жамият қўришдир. Албатта, бундай жамиятни қўриш учун кўппартиявийлик зарур. Чўнки фикрлар хилма-хиллиги фуқароларда сиёсий онг ва тафаккурни шакллантиради, уларда ижтимоий фикрни ўйғотади. Жамиятни демократлаштириш ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш жараёни тезлаштиради.

— Халқ Демократик партияси ўз фаолиятида аёлларни жамиятдаги аралашуви-га жиддий эътибор қаратмоқда, — дейди Дилором опа. — Уларнинг конституцион ҳўқуқларини ҳўқим қилиш партия олдидаги асосий вазифалардан биридир. Утган йил якунига қўра ХДП аъзоларининг 27,7 фоизини аёллар ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 40 фоизга қўтарил-

ди. Ушбу рақамлардан ҳам маълумки, аёлларимизнинг жамият ва давлат ишларидаги фаоллиги йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шунингдек, Олий Мажлис депутатлигига бизнинг партиямиздан етти нафар аёл сайланган.

Аёл, у ким бўлмасин, қандай лавозим ва мансабда ишлаганин, энг аввало оиланинг оқила соҳибасидир. Бу томондан Дилором опани бахтли аёл дейиш мумкин. У уч фарзанд: бир қиз, икки ўғилнинг меҳрибон онаси, икки невараси Жасурбек ва Юлдузхонларнинг суўқли бувижонисини. Турмуш уртоғи Ҳамрат ака Алиев Ўзбекистон Давлат Транспорт қўрилиш қорхоналари уюшмасида раис ўринбосари бўлиб ишлайди. Фарзандлари ҳам эл ардоғидаги ва хизматдаги инсонлар. Севара — тиббиёт ходими, Азизбек — дипломант, Тоҳиржон — менежер. Ҳўллаш, ҳўлоса ўрнида шўни айтиш мумкин — Дилором Алиева ҳаёти ва фаолияти қўчлиликка ибрат бўла олади. Чўнки эзгуликка йўғрилган умр мангуликка даҳлдордир.

Д. ТУРҒУНОВА

ТОҒА ЕТТИ ОТА БИЛАН БАРОБАР

Қишлоғимизда етти отасини билмаслик уят ҳисобланади. Шўнинг учун ҳам мен бобомдан билиб олган 9 авлодимиз ҳақида ёздим. Ҳа, айтгандай бизнинг қишлоғимизда яна бир одат борки, агар бирон йигит фарзандига сўннат тўйи қилмоқчи бўлса, аввало тўйининг бошига тоғасини олиб келиб қўйиш керак. Агар кимда-ким тоғасини олиб келмаса, оқсоқоллар тоғасини топиб олиб келмагунча тўй қилишга руҳсат бермайдилар. Шўндан бўлса керак, «Тоға етти ота билан баробардир», деган нақл бор.

БИЗНИНГ ШАҲАРАМИЗ:

1. Отам — Абдували Шоназаров
2. Бобом — Шоназар Жўраев
3. Оталари — Жўра Холмуродов
4. Оталари — Холмурод Бобоев
5. Оталари — Бобо Маматураев
6. Оталари — Маматура Шоназаров
7. Оталари — Шоназар Шўкуров
8. Оталари — Шўкур Шоймов
9. Оталари — Шоймбой

Ғайратжон ШОНАЗАРОВ,
Сирдарё вилояти
Гўлистон шаҳри

ОИЛА — КАМОЛАТ ҚАСРИ

Бешариқ шаҳрида яшовчи Абдуллахон Ғиёсов элим, юртим учун деб ёниб яшайдиган инсонлардан биридир. У утган умрининг қирқ йилдан зиёдини ёш авлод тарбиясига бағишлади. Ёшларга тарих фанидан сабоқ бериши билан бирга ўзоқ йиллар мактабга раҳбарлик қилди. Бугунги кунда турмуш уртоғи Махфиратхон ая билан қариллиқ гаштини сураяпти. Улар етти фарзандни тарбиялаб вояга етказдилар. Катта ўғил Ҳасанхон Республика Солиқ қўмитасида катта нозир. Ҳўсанхон эса қишлоқ ҳўжалик фанлари кандидати, олим. Қизлари Меҳрихон олий маълумотли ўқитувчи, Фотимахон иқтисодчи, Раънохон шифокор, ўғиллари Олимхон савдо ходими, Анвархон чорва фермери, келинлари Гўлнорахон, Матлубахон тикувчи, Ҳавасхон ва Озодахонлар тиббиёт ҳамшираси.

Энг муҳими, фарзандлар ҳаётда ўз ўрнини топишган. Халқ бахт, саодати йўлида олиб-юғуриб меҳнат қилишмоқда. Абдуллахон Ғиёсов ҳамда Махфират аялар ўн етти набиранинг севики бобожониси ва бувижонисидир.

Оила камолот қасридир. Абдуллахон Ғиёсов оиласи мисолида бунга ишонч ҳўсил қилиш мумкин.

С. УЗОҚОВ

ҲАММАНИНГ БУВИСИ ЭДИ...

Бир кампир қўшнимиз бор эдилар. У кишини ота-оналаримиз амма, биз болалар эса аммабиби дер эдик. Қўни-қўшнилари билан болалари ҳаммаси у кишидан ҳайкари, аммо оналарига эргашиб уйларида бо-ришни жуда яхши қўларди-лар. У кишининг кичик ҳовли-лари, ҳовли ташқарисида катта боғлари бор эди. Боғ-нинг илки қисми узумзор, урик, гипс дараклари, бир қисмида эса қўшнинг чи-қиш ва ботиш томонида қа-тор олма, шафтоли дарак-лари, атрофи асим толлар билан уралган катта ҳовуз бор эди. Боғдаги мева-лар гарқ пишган пайтда атроф-ларини анвойи хид тарату-чи гуллар ураб оларди. Биз, кичик болалар у киши-га мева-ларни (айниқса ги-лос) теришга ёрдам бера-дик.

Кун ботаётган пайтда мах-тоби навли олма-лар новда-ларида гўж-гўж силкилиб қуёш нуруларида қизил, яшил, сариқ рангларда шун-дай товланар эдики, уша-гу-зал манзаралар, куз қарқ-ларимда мангуна муҳрланиб қолган. Мева-ларнинг бир қисмини бувимиз бозорга сотиб, пулини ТошМида ўқитган қизларига юборар, бир қисмини қўшни болала-рига улашар, бир қисмини эса киш учун га-малар эди-лар. Ҳатто қаҳратон киш утиб, бақди келганда ҳам у кишининг уйларида узум, олма, қароли, анорлар осилган турарди. Бемор-лари бор хонадондагилар у кишиникига мева-чева сураб келарди. Аммо буви уни пулга эмас, ҳар доим шун-дай бериб юборар эдилар. Шунинг учун болалар она-ларига эргашиб қўшнинг ки-кига боришни ёқтириш-лар. Болаларни маъиз, тур-ли хил мева қўқилар, мева-

лар билан сийлардилар. Аммо қаттиққўлликларидан ҳамма қўқарди. Ма-салан, болалар узи-га бе-рилганини еяр, егиси келса ҳам катталар олди-дагига қўл чўзмасди. Тўйларга онасига эрга-шиб бормас, меҳмон кел-ганда улар ёнида утир-маслиги, кир-чир юрмас-лиги, бировларнинг боғи-га кирмаслиги керак эди. Кимда — ким шуларга амал қилмаса, аммабиби боланинг узини ҳам, она-сини ҳам қаттиқ койир эдилар. Шунинг учун ҳамма у кишидан ҳай-киб турар эди.

Улғайганимда у киши билан бўлган суҳбатлари-мизнинг бирида ҳаётлари ҳақида билиб олдим. Оталари ер-суви одам бўлганликлари учун ҳали келинчақлик пайтлар, 33-йилларда оналари билан қулоқ сифатида Қримга сургун қилинадилар. Улар сингари сургундаги узбе-кистонликлар мажбурий равишда пахта етишти-риш билан шуғулланди-лар. Ҳатто киш эрта кел-ган пайтда гуза қўсақла-рини араваларга юклаб қувиш учун ташагилари бир гал қор қучқини тағида қолиб кетган-ларини ҳам ҳикоя қилиб бер-дилар.

— Уруш бошлангандан кей-ин эрларимиз, оталаримиз фронтга жўнатиб, 1942 йилда биз аёллар, болаларни поезд билан эвакуация қилиб яна юртимизга қайтардилар. — дерди аммабиби чўкур ҳўрсини. Шундан сўнг аммабиби ўз қишлоқларига келиб, умр йўлдошларидан ягона ёдгор бўлиб қолган қизларини катта қилганлар. Аввал Тошкент тиб-боз техникумида, кейин Тош-Мида жами 10 йил ўқитган-лар. Уларни аввал қолхози, кейин қишлоқда қайвони бу-



либ туй-маърака, яхши-ёмон кўнларда одамларнинг хизма-тини қилганлар. У кишининг ҳар бир суҳбатларидан, ишларидан бир нимани ўрганиб олиш мумкин эди.

Аммабиби тўйларга болала-рини етаклаб борган оналар-ни, давраларга таом қўйилмай ўчоқ бошида ўз нафсини ов-лайдиганларни аямасдилар. — Аввало меҳмонни яхши-лаб кут, кейин узингни қур, — дердилар. Ёки: — Қайвони, оқоқол ва ошпазнинг асосий бурчи туй маъракаи меъри-да ўтказиб, обрў олишида дердилар. Ошпазнинг жасора-ти ҳақидаги бир воқеани ай-тиб берганлари ҳали эсимда:

— Бир ошпаз катта қозон-

да ош дамлабди. Сув уша пайтларда ҳовуздан олинар экан. Қорон-гида сув билан бир қур-бақа ҳам ошга аралашган экан. Ошни сузишга ҳо-зирлаётган ошпаз уни қуриб, одамларга овоза бўлиб кетмаслиги учун оғзига солиб, ошни тар-қатгунча гапирмай, имо-ишоралар билан ишла-ган, юз берган нохуш ҳодисани ҳеч ким сезма-ган экан.

Бу сузлари, ҳаракат-лари билан буви халқ вакилларини кишилар хизматини юракдан бажо этиб, фидойи бўлишга ундар эдилар.

Бундан ташқари буви-миз халқ эртакларини, афсоналарини, табиат ҳо-дисаларини тарбиявий томонларига ёндошган ҳолда бизларга тушунти-рар эдилар. Масалан, биз болалар улган ки-шилардан қўқар эдик. Шунда у киши улган одамдан, ва ёки умуман ёлғиз юрганда қўқмас-лик кераклигини, қў-қиш қўп зиён эканлиги-ни тушунтирар эдилар.

Ёки нега терак барглари до-имо титраб, шивирлаб туради, қалдирғоч нега одамлар уйи-нинг тепасига уя қўяди, жий-да гулларига нега хўшбўй, ос-монда нега сомон йўли бор, юлдузлар чўмич, айик шакли-да жойлашган — ҳамма-ҳамма саволларимизга жавоб бера-дилар. Бирор иш бошлагани-мизда эртаклар айтиб бера-дилар. Ҳеч қачон бекор тур-мас эдилар. Ё боғ ишларини қилар, молларга қарар, ши-рин-ширин таомлар пиширар эдилар. Мен у кишини ҳеч қачон нолиганларини, бировни эмасман. Ҳамиша: — Эй ҳудойим! Ўратганимга, бергани-нга минг марта шўкр. Қўпни

Хотира —
муқаддас

боласини қаторида мени ёлғизимни ҳам асра, — дея дуога очилган қўлларини ҳаёлимда эсласам, товуш-лари қўлоқларим остида жа-ранглаб тургандек бўлади. У киши тилаганларидек я-ка-ягона қўзлари ҳозир на-фақада бўлишларига қара-май, 30 йилдан зиёд вақт-дан бери Бухоро вилояти, Вобкент тумани марказий касалхонасида эндигина ду-нега келган жажжи чақа-лоқларнинг севимли шифо-кор, турт набиралари эса одамлар ҳавас қилса ар-зийдиган даражада одоб-ах-лоқли инсонлар. Мен бу-ларни нега эслаяман?! У дараклар, шивирлаб турган тераклар, толлар — бирор-тасининг бўгун изи йўқ. Янги қурилишлар тўғрисида ҳаммаси йўқолиб кетган. Аммо юракларда у кўнлар, эзгуликлар изи бор. Улар-ни йўқотиб бўлмас экан. У киши айтган эртаклар, ма-қоллар ҳали ҳануз қўлоқла-рини остида. Биз ҳам насиб этса эртанги кунда буви бў-ламиз. Оллоҳ берган умр-ни яшаб бир кунмас бир кун ёруғ оламдан абадият бағрига йўл оламиз. Шунда фарзанд, набиралар бизни қайси эзгу ишларимиз учун эслайдилар? Тирикчилигимизда уларнинг муҳаббатларига сазовор бўла олдимки, ўзи-мизга зеб бериш-у, ғийбат-лардан бошқа қандай эзгу-ликлар қолдирапмиз?! Ой-ла-мизда тежамкорлик, режа борми? Оила қишлоқнинг ёзда йиғишни, боғ-роғлар қилишни, дўст-биродар, қў-ни-қўшнилари йўқлишни биламизми? Ана шундай саволларни ҳар биримиз ўзимизга берсак, юракдан кимлигимизни билардик.

Сора ТОШЕВА,
Бухоро вилояти.

ЯХШИЛАР ТУФАЙЛИ ЯШАШ ЗАВҚИДИР

Миннатдорлик

Ёшим 32 да. Турт фарзанднинг онасиман. Уч ойлик гудамим бор. Сунгги пайтларда танамда ҳолсизлик сеза бошладим. Вужудимда огрик пайдо бўлиб, кунглим беҳузур бўла бошладим. Қон топишган эдим, вирусли гепатит «В» деб тахсис қўйишди. Шундан сўнг Тошкент шаҳар эпидемиология, микробиология юкумли касалликларни илмий тадқиқот инсти-тут клиникасининг реанимация бў-лимига тушиб қолдим. Менга муола-жалари бошлаб юборишди. Кетма кет (капельница) осма уколлар, қув-ватландирувчи дори-дармонлар юбо-ришди.

Мен эса гарчи аҳволим огир бул-са-да, ҳудди тикон устида ётгандек, ҳар бир муолажадан сўнг дўхтирлар-нинг қузи-га тикиламан. Сунгги пайт-ларда тез-тез эшитган гапларим ҳа-лимга келаверади: «Ҳозирги замонда ишинг дўхтирга тушмасин, тушса ҳам ҳамнинг бақувват бўлсин...»

Нега уйдан дори-дармон келти-ришларини сурашмаяпти, пул бериб рози қилсаммикин, деган уй мени

тинч қўймайди. Юрак ютиб бир-икки сурадим ҳам. Ҳамма дори-дармон ўзи-мизда бор, хотиржам бўлаверинг, — деган жавобни беришди.

Реанимация бўлимида турт кун ёт-дим. Турт кун ичида неча шифокор, ҳамшираларни кўрдим. Ҳаммаларининг чеҳралари очик, қўзлари мулоийм, суз-лари танга даводек ёқимли. Турт кун мобайнида бу огир хасталар бўлимига кимлар келиб кетмади дейсиз! Барига бирдай яхши муомала, малакали муо-лажалар курсатишиб, овқат турғизиш-ди. Ҳатто руҳий хаста (оллоҳ шифо берсин) беморга тонггача мижжа қо-май қараб чиқдилар.

Аҳволим яхшилангач, мени палатага олишди. Реанимация бўлими мудири Ҳаким ака Яҳёев қон таҳлиллари ижо-бий томонга ўзгара-ётганини айтдилар.

— «Ботмонлаб беради, мисқоллаб олади», — деган гапни эшитганимиз, синглим, — деб суз бошладилар Ҳаким ака, — бу айнан сариқ касалига тегиш-ли. Биз қондаги инфекцияларни юв-дик. Қўлимиздан келганини қилдик, қи-

ламиз. Бу ёғига узингиз ҳам ёрдам бериб юборасиз. Парҳез, парҳез, фа-қат парҳез, жигарни эҳтиёт қилиш керак!

— Раҳмат, мен сизларни рози қи-ламан, клиника ҳисобига пул ўтка-зиш лозим бўлса, айтинг, ҳужайиним, акаларим йўқ дейишмайди...

— Гулнорахон, синглим, бизда да-во бепул, касаллар тузалиб кетсалар, бошқа қайтиб дард чекмасалар, бун-дан ортғи бизга керакмас!

Томоғимга бир нима тикилгандай бўлди.

— Раҳмат, дўхтир, мендан бўлма-са, худодан қайтсин, — дея олдим ҳоло.

Касалхонада 25 кун даволандим. Даволаниш бўлимидаги ёқимтой ши-фокор Дилором опа Каримова, ҳам-ширалар Феруза Рўхўллаева, Муқад-дас Аҳмедовларнинг муолажалари, менга берган меҳрлари, ширин, ҳаётбахш сузлари учун катта раҳмат!

Гулнора АБДУРАХИМОВА,
Тошкент

АЖОЙИБ-ҒАРОЙИБ

КЎЗГА ИШОНАМАН

Маҳалламизда Ҳамид қарвон деган киши яшайди. У киши эси-ни таниганидан бери аравақаш-лик қилади. Ҳозир етмиш ёшни уриб қўйган Ҳамид қарвон бун-дан ун-ун беш йил илгари бўлиб ўтган бир воқеани сузлаб берди:

— Пойтахтимиздаги эски ша-ҳарнинг «Қўштут» қучасидан от аравамини уйим томон ҳайдаб ке-таётганимда, анчадан бери қу-ришмаган бир ошнамини учратиб қолдим.

От-аравани тўхтатиб у билан ҳол-аҳвол сурашиб турганимда, ошман гап орасида «Ҳамид қар-вон, бу уша отингми, жуда зўр-қу!» — дейиши билан гижинглаб турган отим, ҳўшдан кетиб йи-қилиб тушган эди.

Бу воқеани қуриб турган йу-ловчилар от-аравам атрофини ураб олишди. Мен эса шоша-пи-ша отни аравадан бўшатдим. Шунда мен танийдиган йўловчи отахонлардан бири «Ҳамид қар-вон, отга кимнингдур қузи тегиб-ди, дарҳол отнинг атрофидан гир айлантириб исирик тутатиб юборинг!», — деди.

Йўлнинг бир чеккасида қимир-ламай ётган отимга, уша атроф-даги хонадонлардан исирик то-пиб от атрофида тутиб турганим-да от узи-га келиб, аввалгидек юра бошлади.

Уша, уша халқ орасида «қўз бор, қўз тегади», — деган суз-ларга ишонаман! — деган эдилар Ҳамид қарвон.

Саидмурод САИДАҲМАД

Адҳам ҲАМДАМ

СИЗНИ ҲАВАС
ҚИЛИШАДИ

— Ҳамма Сизни ҳавас қилади. Тур-тта хотин бир ерга тулпаса Сиздан гап очилади. Эркак, деган мана шун-дай бўлса. Кўчага чиқса эркак, уйга кирса хотин. Эрталаб туради, ҳам-маёқни сарамжон қилиб иннайкейин ишига кетади. Мана шунақа мақтов-ларга бойсиз эр. Энди гапга қўлоқ солинг. Ҳали ишга эрта. Зудлик би-лан бозор қилиб келинг. Унчага мен ҳам ўрнимдан тураман ҳаётим қуеши.

ДАРВОЗА ВА ЖАҒ

Ошман билан шу ҳақда баҳслашиб қолдик.

— Хотиннинг жағи билан дарвозани-нг нима ухшашлиги бор, — деб сура-дим. У бўлса ҳар бир нарсанинг қи-си бўлганидек унинг ҳам бир-бирига жуда ақинлиги бор, деб туриб олди.

— Ҳуш, фарқи нимада?

— Мана қўлоқ сол. Дарвоза эрталаб очилади. Шу ердан ишга чиқиб кета-сан. Мени излаб келган одам шу ер-дан киради. Ойла аъзоларинг ҳам шу ердан қатнашади. Демак, дарвоза эр-та билан очилади.

— Ҳуш, бунинг хотинга нима алоқа-си бор?

Бўлди ажаб ҳангомалар

— Хотиним бўлса эрта билан уйку-дан уйғондим, қўрпада ётган жойи-да вайсай бошлайди. Бир олам га-ни бирпасда тахлайди. Ёсингда тур-майдиган нарсаларни, аллақандай то-пириқларни қаторлаштириб юборади. Демак, унинг ҳам жағи дарвоза билан баравар очилади. Фарқи шуки, дарво-за кечқурунлари ёпилади, хотинимни-нг жағи эса ярим кечагача очилгани-ча қолади. Уйкуга кетганда жағи ёпи-либ, бошқа айтмоқчи бўлган гаплари хуррак аралаш лўнжиде қолади...

Пўлат ҲАМДАМ
нашрга тайёрлади.
НАМАНГАН

БИР ЮРАККА ИККИ МУҲАББАТ СИГМАС

«ҚАЙ БИРИНИ ТАНЛАЙ?» — 10-сон

Хурматли Т. бировга маслаҳат беришдан оғири йўқ. Лекин сизнинг мактубингизни ўқиб виждоним қийналиб кетди. Шунинг учун маслаҳат беришга мажбурман. Сиз ўзингиз севиб, танлаб уйланибсиз. Иккита шириндан-шакар фарзандингиз бор экан. Турмуш ўртоғим мени жуда севади, мен ҳам уни севаман, усиз яшай олмайман дебсиз. Бахтингиз бор экан севганингизга ҳам етишиб, ўқишга ҳам кириб олибсиз. Бундай қуш-қуш бахтга ҳамма ҳам эриша олмайди...

Лекин сиз шунчалар бахтли йигит була туриб ўз бахтингизни поймол қияпсиз. Бир беҳав, ибосиз, калтафаҳм қизни деб ўз оилангиз бўзилиб кетишига сабабчи бўлиб қоласиз. Сиз ўша Д. ни яхши қиз деб уйладингизми? Йўқ, сиз янглишасиз. Яхши қиз ҳеч қачон оилани йигит билан дўст тутиниб, дон олишиб юрмайди, шириндан шакар фарзанди бор ота фарзандларидан ажралишини хоҳламайди. Унинг онаси ҳам тушунмаган, бефаросат аёл экан. Наҳот у ўз қизини уйланган, болали эркак билан бемалол юришига йўл қўйса, тагин у қиз билан йигитни ҳам қўйиб, уни-бун баҳона қилиб чиқиб кетар эмиш. Бу ишлар ақли, тушундирган, оқила аёлнинг иши эмас. Ҳамма она ҳам ўз қизининг бахтли бўлишини хоҳлайди-ку, бу аёл эса қизининг бахти ҳақида уйлаб қурмаган бўлса керак. Д.га ўхшаган қизларни қуриб ўзингиздан йўқингизми...дегинг келади. Лекин улар ҳам ўз ота-онаси учун азиздир, аммо мана шунча қизлар жуда кўп оилаларни бўзилишига сабабчи бўлишяпти. Ахир ҳамма нарсани биринчи бўлиб оиладан бошланади-ку. Биз қизлар бугунги кунимизнинг хурсанд ўтганини уйламай, эртанги кунимизни ҳам уйлайлик. Бир-иккита қизларни деб барча қизлар номига доғ тушиб қолмасин.

Т. сиз билан Д. ни орангизда ҳеч қандай ортиқча нарсаси йўқ экан. Шунинг учун сиз Д. билан орангизни очиб қилиб ўзингизни бахтли оилангиз ҳақида қайғуринг. Ташқи қурилишига, гузал бўлган қизларга ҳушингиз оғмасин. Баъзи бир йигитлар бир қизни севиб унинг висолига етишолмайдилар. Сиз мен бир эмас иккитасига етиша олмади деб қувониб кетманг. Ҳеч қачон бир юракка икки муҳаббат сиймайди. Иккинчиси, яъни Д. ни юрагингиздан юлиб олиб ташланг, шундагина сиз тўғри иш қилган бўласиз деб уйлайман.

Шоҳида МИРЗАҲМЕДОВА
Фаргона тумани Аввал технологик коллежининг
III-курс талабаси

МЕҲРИНГИЗНИ ЭНДИ ФАРЗАНДЛАРГА БЕРИНГ

«УНИ ЯНА ЙЎҚОТИШНИ ИСТАМАЙМАН» — 11-сон

Бу дил изҳори мени чуқур уйга чўмдирди, кўзимдан ёш оқибди, илоҳий севгининг оромбахш туйғулари тўғрисида, ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати, тақдирнинг паст-баланд йўлларини яна бир марта эслатди.

Хурматли бухоролик опам М!

Менинг ёшим 21 да. Буюк севги эгаларига илоҳий муҳаббат тўғрисида маслаҳат бериш учун ёшлик қиларман? Лекин сизнинг пешонангизга ёзилган ҳаёт чизиқлари, тақдирингиз, мени кўлимга қалам олишга мажбур қилди. Мен сизнинг сабр-бардошингизга тасаннолар ўқидим. Йиллар мобайнида тортган руҳий изтиробларингиз кўз ўнгимдан ўтди.

Мақолани ўртоқларимга ўқиб берганимда, улар ҳам бу покиза туйғулар, илоҳий ишқ, бегубор севги ҳақида эшитиб, «қани эди мени ҳам бирор қиз шундай севса», — деб ҳавас қилишди.

Тўғри, сиз қизлик гурурингизга муносиб иш қилгансиз, севгилингиздан севги изҳорини кутгансиз, лекин у кишидан нидо чиқмади эҳтимол, ўзингиз бу ҳақда у кишига айтишингиз керакми? Айтишингизга қараганда у киши бўлиб ўтган пинҳоний севги учрашувлари, кўпинча оилалар барбод бўлишига олиб келган.

Шунинг учун қизлар, сингилларимдан илтимосим муҳаббатингиз тўғрисида ота-онангизга билдиринг. Уларга тушунтиришга ҳаракат қилинг.

М. опа сиз севган инсон, кеч бўлса ҳам олийжаноблик қилибди. «Сени ҳеч қачон севмаганман», — деб қилган ёлгон хитоблари, сиз қурмоқчи бўлган турмушингизга бахт тилаш бўлган бўлса керак. «Қачонки икки фарзандли бўласан кейин уйланаман», — дейишлари эса сиздан у кишига ягона умиддир, балки...

Сизнинг пок ишқингиз, муҳаббатингиз бир румон бўлишга сазовор, аммо энди ҳар томонини уйлаб, атрофингиздаги яқин кишиларингизга озор бермасдан масалани ҳал қилишингиз керак. Фикримча, сиздаги 24 йиллик матонат бу пок, илоҳий севгини-оилангиз, фарзандларингизга йўналтириши мумкин. Сиз энди бутун куч қудратингизни, меҳрингизни, севгингизни нуридийдаларингиз-фарзандларингизга беринг, токи уларнинг пок севгилари натижаси-невраларингизнинг суюкли ёрини қуриш бахти ҳам сизга насиб этсин!

Сизга чин ҳурмат билан укангиз:
Фарҳод ЭРГАШЕВ
Тошкент

ЎЗИНГГА БОШҚА ЭР ҚИДИР

«УНДАН БУ ГАПНИ КУТМАГАНДИМ» — 6-сон

К! Сендан ва Азиздан нафратландим!

Чунки сенга ўхшаган ориятсиз қизлар қанчадан қанча аёлларнинг бахтига зомин бўлмоқда, гудакларини тирик етим қилмоқда. Ҳаммада юрак бор, ҳамма севиб қолади. Лекин сенинг севгинг севги эмас, «сароб». Хотини бор кишини севмайдилар, яна ўз дугонасининг эрини. Сени отанг борми? Агар бегона аёл отангини йўлдан уриб, онангдан ажратиб олсин ушанда билан севги нималигини.

Бировнинг оиласини тинч қуй! Ўзингга бошқа эр қидир. Ўз бахтингга чанг солибсан. Бўлмаса дугонангга овсин булардинг. Азизга эса минг лаънат.

Сенга ўхшаганлардан нафратланаман. Чунки жамиятни бўлгайсизлар.

Дилором
Йўлдошева,
Тошкент

ОИЛА БУЗИЛГАНИ АЛЛОҲГА ЁҚМАС

«ЯНА БИР БУЗИЛГАН ОИЛА» 44-сон

Муҳаббат қизим кичик мақоласида катта шов-шувли мавзуну кутарибди.

Ҳайрон қоласан киши, мол-дунё йўлида оиладек муқаддас нарсани барбод қилишса-я. Яна бу ишга кўпни қурган кайвони катталар бош бўлса.

Бизнинг давримизда бундай мебеллар бўлмаган, лекин ажралишлар ҳам деярли йўқ эди. Хотинимнинг онасидан биргина палак ва сандиқ қолган. Худога шукрки, ҳозир ҳамма нарсамиз бор. Пул, бойлик топиладиган нарсаси, лекин уртада меҳр-оқибат бўлмаса... яшаш янада қийин кечади.

Ҳамидулла Йўлдошев

ЙИГИТЛАР СОЧИНГИЗ ТОЛАСИДАН ҲАМ КЎП

«КЎЗЙОНАК ТАҚКАНИМ АЙБИММИ?» — 10-сон

Бахтингиз олдинда менинг ақли-гина қизим С!

Сизнинг дил изҳорингизни ўқиб ҳатто кулгим келди, негаки ёзганингиздаги бўлиб ўтган воқеа бунчалик қуйинишингизга арзаймади. Бу йигитнинг (ўзи ҳам фаришта эмасдир, унинг ҳам камчилиги йўқ эмасдир) тушуниб тушунмаган қизларнинг муомаласига шунчалик қийналдингизми? Ҳеч парво қилманг! Хали сизнинг сочингиз толаси каби сон-саноксиз совчилар уйингиздан ўзилмайди, танлаб муносибига турмушга чиқасиз, бунга кафолат бераман.

Сиз касбингизни ардоқланг, ҳалол меҳнат қилинг, камтаринг, бардошли бўлинг. Бахтингиз — олдинда!

Ҳаётда нафақат кўзойнакли балки жисмоний камчилиги бор инсонлар кўп. Лекин сиз каби зийрак, ақл-заковатли, бирор хунар эгаси бўлган камтаринг, бардошли қизлар турмушга чиқиб бахтли ҳаёт кечираётганинигн гувоҳиман. Бизнинг маҳаллада икки қузи қурмайдиган қиз турмуш қуриб, соғлом бола туғиб тарбия қилаётганини, ҳеч кимдан ҳам эмаслигини сизга билдириб қўймоқчиман.

Сиз бу воқеадан ҳеч нарсаси ютқазмадингиз, аксинча ҳаётдан яна битта сабоқ олдингиз. Ўзингизни эркин тутинг, кези келади, шундай турмуш қуришгн, бир кун шу йигит келиб сизга таъзим қилиб, қилган ишига пўшаймон бўлсин!

Бунинг учун тула имкониятингиз бор.

Бувҳожар Рустомова

САБРИ, БАРДОШЛИ БЎЛИНГ

«ТУРМУШИМДАН РОЗИМАН, АММО» — 40-сон

Шарифахон, дил изҳорингизни экансиз. Фарзандлар меҳрини қозонибсиз, шунинг ўзи катта бахт. Бунинг устига ҳадемай она бўласиз. Турмуш ўртоғингизга келсак, уни ҳам тушунинг. Ажаб эмас, фарзандингиз туғилса, меҳри ортиб боғланиб қолса. Аслида ҳам Оллоҳ биз-аёлларни бардошли, сабрили қилиб яратган.

Оллоҳдан фарзандларингизга умр, турмуш ўртоғингизга инсоф, ўзингизга эса сабр-бардош сўрайман. Тилагим — «Аёллар» йилида чинакам бахтиёр она бўлинг.

Роҳила БОБОНОРОВА,
тарбиячи, Самарқанд вилояти

Пахтачи тумани

ЭРИНГИЗДАН УМИДИНГИЗНИ УЗИНГ

«МЕҲРИНГИЗГА, МАСЛАҲАТИНГИЗГА ЗОРМАН» — 5-сон

Синглим, кечмишларингизни ўқиб дилим хуфтон бўлди, хотинини ва болаларининг нарсаларини сотиб гиёҳванд дориларга сарфлаб тентакдай бўлиб юрган эрга оиласи қуринадики? Оллоҳнинг ношуқур бандаси бўлмаси у фарзанди билан хотинини ун талоқ қиладими? Бошқа шарҳдаги акангизниқига кетиб, яхши қилибсиз. Меҳрибон акангиз бор экан-ку сизга бош пана бериб, болаларингиз билан ота ва онангизни унинг оталик қилиб бағрига олибди. Мени битта қизим ҳам туртта фарзанди билан, фарзандга зор бир эркакка турмушга чиқиб, ундан ҳам бир

ўғиллик бўлди, шу фарзандлар туфайли уйли-жойли, рўзгорли бўлиб фароғатда умр кечирмоқда.

Сиз ҳам шуни сингари, эрингиздан умидингизни узиб, фарзандларингиз учун турмушнинг оғир ва енгиллигига чидаб, Оллоҳ бахтингизни очунча меҳнат қилиб ашамоқ учун курашингиз керак. Менинг маслаҳатим тақдирга тан бериб, сиздан кейин қоладиган зурриёдингиз ва калимағуйлариингизни уйлаб ашамоқингиз керак.

Насриддин ТОЖИВОВА
ўғли, Тошкент

ВИЖДОН ҚИЙНОҒИДА ҚОЛМАНГ

«БОШИ БЕРК КЎЧАДА ТУРИБМАН» — 7-сон

Бу мақолани ўқиб жуда таъсирланиб ҳатто аччиғим чиқди. Бу қизимизга шундай маслаҳатимни баён қилмоқчиман. Синглим, оила қуришга бир оз шошилганга ўхшайсиз. Ота-она розилигисиз турмуш қилсангиз ҳато қиласиз. Эркинжон укамиз ҳам ўз таналарига уйлаб курсалар бўлар эди. Ўз умр йўлдоши билан севишиб турмуш қурган бўлсалар керак. Энди бўлса ёшгина қизни қуриб севиб қолиб, турмуш қуришларига мен қаршиман. Севикли ёрингизни бахтсиз қилиб, ёшгина синглимизни бахтли қилишингизга кўзим етмаяпти. У қизимиз ҳам ёшлик қилиб оилани йигитнинг ширин сўзига ўчиб, севиб қолган бўлиши мумкин.

Синглим, аввало Оллоҳдан қўрқинг. Менинг уйлашимча уза бир аёлни бахтсиз қилиб, ўзингиз бахтлиман дейишга виждонингиз қийналмасмикан? Эндигина 16 га тулибсиз. Ҳали жуда ёш экансиз. Бировнинг иккинчи хотини бўлгандан кура, ўз тенгингизни топиб, севишли ёри, жуфти ҳалоли бўлинг.

М. Қосимова
«ОРЗУ» Акциядорлик жамияти
ҳисобчиси

ШАБРИКЛАЙМИЗ!

Азиз онажонимиз
Нафисатон!



Сизни таваллуд кунингиз билан муборакбод этиб, Сизга Аллоҳдан бонқий умр, мустақам соғлиқ тилаймиз. Ибратли ҳаёт кечириб, кесалик гашини суринг.

Қизингиз Шоирахон, невараларингиз — Элдор, Шоҳиста



Мухтафам

Шуҳрат Ҳасматматов!

Додажонимиз дея ардоқлаган, ака-укамиз дея эъзозлаган геолог буважонимиз! Сизни улғу, шодиёна кундаги кутлуг 60 ёшга тулшингиз билан чин қалбдан кутлаймиз. Узоқ йиллар давомида соғ-омон бўлиб, бошимизда соябон бўлиб юринг.

Жигаргўшаларингиз

Хурматли Шайхид

Дилшод

Мухаммад Абдулқодиқов!

Тугилган кунингизла кутлаймиз. Қадруқимматингиз ошиб, умрингиз узоқ, ҳаётингиз ширин, рўзгорингиз обод бўлсин. Ягона тилагимиз ҳамма курса ҳавас қиладиган ҳамма ур-нак-оладиган, инсонлигингиз абадий бўлсин.

Дўстларингиз

Меҳрибон онажонимиз

Эсоноя!

Сизни 30 март таваллуд кунингиз билан табриклаймиз!

Сизга узоқ умр, соғлиқ ҳамда бахт тилаймиз.

Сингилларингиз

Гулнора,

Ларисахонлар, Самарқанд вилояти, Нуробод тумани

Хурматли Камола!

Сени 3 апрел тугилган кунинг билан кутлаймиз! Бахтимизга доимо соғ-омон бўл!

Амманг Мавлуда, опанг Севара.



АЗИЗИМ
НАРЗИЛА!

Сени муборак 40 ёшинг, гул баҳоринг билан кутлаймиз. Сenga соғлиқ, узоқ — умр, омонлик тилаб қолаимиз.

Турмуш ўртоғинг Абдусайд, фарзандларинг Соҳибжон, Ирода, Садоқат, Анвар



НОН — НАСИБА ЭКАН...

Мана саккиз ойдики уйимиз хувилаб қолган. Чунки ораимизда дадажоним йўқлар. Оламдан утганларига ҳам ишонгим келмайди. Деярли ҳар кун тушимга кирадилар. Тушимда гоҳ узум хомтоқ қилаётган, гоҳ анорлар ичида юрган бўлади. Баъзида эса чорбоғга сув қуяётган бўлади. Дадамлар жуда меҳнаткаш одам эдилар. Доим иш тўғрисида гапирардилар. Сахардан туриб ер чопардилар, чорбоғга сув қуярдилар, экин экардилар. Бозордан ҳеч нарса сотиб олмасдик. Хаммасини ўзимизни боғдан, чорбоғдан чиқарардилар. Анорми, узум, картошка, пивз, помидордан тортиб гармдорию, ошқовоққача буларди.

Ҳеч тинмасдилар. Гоҳида койисалар жаҳлим чиқарди. Таваба, дам олсалар бўлмайди деб. «Дам олиш учун бир соат етади куп ётавермасдан, эрталаб туриш керак», дердилар. Уйга меҳмон киби бирон бегона одам бир сабаб билан келиб қолса узини қуярга жой тополмасди. Жуда саҳий, меҳмондуст эдилар. «Яхшими ё ёмонми уйга киринг, чой ичинг дейиш керак», — дердилар.

Қушлар билан орамиздан озгина гап утиб қолса, «Қўшни билан уришмаслик керак. Узоқдаги қариндошдан, яқиндаги қўшни яхши деган боболар», — деб қуярдилар. Баъзида бу насихатларига бепарво қўл силтаб, жаҳлим чиқар, баъзида эса қулоқ титиб қуярдим. Энди билсам бари ганимат сўзлар экан.

Кейинги пайтлар айтган тушлар

рини эслайман: «Бугун тушимда биров қўлимдаги нонимни олиб қўйди», — деди биргал. Яна бир кун — «Бугун тушимда жарга қулаб тушдим», — деди. Онам бўлса — э, тушингизни сувга айтинг, беҳосият тушларни менга айтмасдан дердилар. Мен энди нега бу тушларга бепарво бўлганмиз-а, дейман. Олдинлари туш курсам унчалик эътибор бермасдим. Лекин энди билсам туш катта даракчи, ҳаёт даракчиси экан. Нон-насиба эканда, дадамнинг тушлари бу дунёдан насибаси узлаётганини курсатган экан-да дейман. Дадам чорбоғни қўлидан келадиган даражада гузал қилиб қуярди. Буш вақтлари деярли йўқ эди. Бекорчиликни ёмон қуярардилар. Қиш пайтлари иш сал камроқ бўларди, шунда озгина чойхонага чиқиб, ўртоғи Раҳим бува билан шахмат уйнардилар. Уша машғум тунни эсласам қўриб кетаман. Дадам доим кечаси чорбоғга сув қуярди. Ҳафтада бир марта суғормаса кўнгли жойига тушмасди. Уша кун ҳам дадам кечаси сув ҳайдаб келгани кетмон кутариб чиққан. Бироқ... қайтиб келатганда йўлда машина уриб кетди.

Дадамни жуда соғинаман. Ҳеч бўлмаса тушимга кирсин дейман. Кечалари онамга сездирмасдан уларнинг ҳам кўнгилларини бузмаслик учун ухлаганларидан сўнг хунхунг йиғлаб чиқаман. Лекин дадамлар энди йўқлар. Узимга секин пичрайман.

Тушларимга кириб туринг, Дадажон!

М. Ю.

Оҳангарон тумани, Қорахатни қишлоғи.

Маслаҳатхона

ТОМОҚҚА НАРСА ТУРИБ ҚОПСА...

Эҳтиётсизлик туфайли ёки шошиб овқатланганда томоққа нарса туриб қолиши мумкин (бу купинча болаларда юз беради). Агар томоғига нарса тикилиб қолган киши нафас ололмай қолса, тезда қуйдаги ишларни қилинг:

— бемор орқасида туриб уни қорнидан қучоқланг;

— бир қўлингизни мушт қилиб унинг киндиги билан қуқрак қафаси уртасига қўйинг ва шу ҳолатда бемор қорнини пастдан юқорига қараб тез-тез ва қаттиқ сиқинг.

Бу ҳаракат упкадаги ҳавони сиқиб чиқаради ва бемор томоғи тикилган нарсадан халос бўлади.

Агар беморнинг гавдаси сиздан анча катта бўлса ёки у хушидан кетган бўлса, тезда қуйдаги ҳаракатни бажаринг:

— беморни қалқанча ётқизинг ва бошини ён томонга буриб қўйинг;

— беморнинг устига миниб олинг ёки тизангиз билан чўқалаб утириб олинг; — қафларингизни устма-уст қилиб унинг қуқрак қафаси билан киндиги уртасига қўйинг ва пастдан юқорига қараб тез-тез, қаттиқ босинг.

(Агар бемор семиз киши, ҳомиладор аёл, ногиронлар аравасидаги киши ёки кичкина бола бўлса қафтингизни қоринга эмас, қуқрак қафаси устига қўйиб кетма-кет босинг).

Агар лозим бўлса бу ишни бир неча марта такрорланг.

Ш. Равутов тайёрлади

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» ЎГИТНОМАСИ

- Ота дуосини олган ўсади,
- Дуо ҳар балонинг йулин тўсади.
- Чекиш, ичиш — зарарли одат,
- Уларсиз уйингга кирар саодат.
- Фарзанд усса агарда эрка,
- Ота-она ботади терга.

Нурбек Раҳим ХАЙДАРОВ

Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани

Магазин, видеокамера, автомобил «Рено»
СОТИЛАДИ:
Тел. 56-19-22, 54-04-24.

Инсон бу дунёда бахт ахтариб яшаркан. Бахт-узи нима? Уни ҳар ким узица тушунади, узица ҳис қилади. Мен эса бахтни инсонни турмуш ўртоғи, ширин-шарқ фарзандларида деб билман. Лекин 26 ёшда эканлигимга қарамай ҳаёт мени ана шу томондан ҳалигача сийлагани йўқ. Турмушга чиққанман. Орада фарзанд

МЕН ҲАМ ЎЗ БАХТИМНИ ТОПСАМ...

бўлмаганлиги туфайли ажралганмиз. Қасбим бугхалтер-қотиба. Худодан бир оилага бека, фарзандларга она бўлиш бахтига мушароф этишини сурайман. Сизларга хат ёзиб мен турғи иш қилдимми йўқми билмайман. Лекин ҳаётдан умидим катта. Ёмон кунимда ҳам, яхши кунимда ҳам ёнимда турмуш ўртоғим бўлишини жуда-жуда истайман. Барча юртдошларимга шу улғу Навруз кунларида соғлиқ, омонлик, тинчлик, хушчақчақлик таллайман, деб сингилнинг

М.
Тахририятдан: Эзгу ниятли сингилмиз М. билан танишмоқ, турмушнинг машаққату қувончларини бирга-бирга татишмоқни истаганлар бўлса мактубингизни бизнинг манзилга жўнатинг. Биз эса номангизни эгасига албатта етказамиз.

Олим ва шифокорларимизнинг таъкидлашича, киши танасида ёз ва куз ойларида ҳар хил қуқрак, мева, сабзавот ва бошқалар ёрдамида гаиланган минерал моддалар ва микроэлементлар, айниқса витаминлар С, Р, А, В2, В6, В12, Д, Е ва бошқалар қишда куп сарфланар экан. Баҳорга келиб уларнинг танадаги миқдори анчагина камайиб қолади. Шу туфайли ҳам, баҳорга келиб организмнинг иш фаолияти сезиларли даражада пасайиб кетади. Аслини олганда организм соф витаминли моддаларга муҳтож бўлади. Баҳор фаслида усимликларнинг аксарияти витаминларга бой бўлиб, айниқса, ялпиз, исмалоқ, отқулоқ, равоқ, қуқ пивз, саримсоқ, укроп, петрушка каби

НАВРЎЗ ТАОМЛАРИДАН БЕБАҲРА ҚОЛМАНГ!

ўсимликлар, беда, довучча ва токни баргида С, В ва РР витаминлари куп учрайди. Шунинг учун ҳам улардан ҳар хил таомларни тайёрлашда фойдаланиш ва қуқ овқатлар тайёрлаб истеъмол қилиш кони қувватдир.

Масалан, қуқатлар солинган мошхўрда, шурва, мастава, чучваралар шулар жумласидандир. Эрта баҳорда озги қуқ утларга теккан сиргир, эчки ва қўйнинг сути, бияннинг қимизи витаминга бойдир. Фаровонлик рамзи сифатида Навруз дастурхонига бўғдой, арпа, нухат, ловия, жүжори, мош солиб гуҷа оши тортилган. Сумалак ва ҳалим эса дастурхон-

нинг кўрки сифатида эъзозланган. Аслида бундай таомларга ҳурмат ва эҳтиромнинг боиси илк баҳорда силласи қуриган, илигидан мадор кетган, дармонсиз бўлиб қолган, қонида ҳаёт учун зарур моддалар етishмаётган кишиларга бу таом жон озиғи бўлиб, қуч-қувват, яхши кайфият бағишлаган.

Сумалак — баҳор, наврўз таоми бўлиб, бу сервитамин ҳаётбахш таом халқ заковатининг намунаси. Илик узилди баҳор кунларида сумалак қонимизни тозалаб, жисмимизни қувватга тўлдиради. Сумалак Е дармондориси-га бой. Бу модданинг эса

эркакларни бепуштлиқ касалидан ва аёлларнинг бевақт бола ташлаш офатидан асрайди. Кишининг иссиғи ортиб кетган бўлса маромига келтириб, қаттиқ ухлатиш. Сумалак кишининг асабларини изтиробдан ҳоли қилади. Чунки, сумалак пиширилган кун бошқа овқат емай ёлғиз шу таом билан 2 кун парҳез қилиш зарур. Баъзилар билли-билмай гўшти, ёғли овқатларни тановул қилиб қўйишади. Ҳатто, спиртли ичимлик ҳам ичиб қўйишади. Бу мумкин эмас. Агар шундай қилинса бу таомнинг шифобахшлиги қирқилиб кетади, кишини жуда оғир дардларга мубтало қилади. Сумалак парҳезидан бирор ҳафта олдин ичкиликни тўхтатиш керак.

Уни егандан сўнг яна шунча вақт уша бадхўр ичимликни оғизга олмаслик керак».

Ҳалим таркибида инсон организмни учун зарур бўлган микроэлементлар куп. Ундаги экстрактив моддалар меъда-ичак фаолиятини яхшилаш, марказий асаб тизимига ижобий таъсир қилиши, мия, юрак ҳаракатини фаоллаштиришга ёрдам бериши исботланган. Бекорга «Наврузгача омон қолса, яна яшаб кетади», дейилмаган. Чиндан ҳам қиш машаққатларидан бир амаллаб қиқиб олган сурункали дарди бор хасталар Навруз неъматларидан баҳраманд бўлишиб, дардларига шифо топанлар.

Сафар МУҲАММАДИЕВ,
доцент.

ЮЛДУЗИ ПОРЛАГАНЛАР ҚАТОРИДА БЎЛСАМ

Ушбу дил сўзларимни ёзишдан аввал анча ўйланиб охири қўлимга қалам олдим. Газетада ёритилаётган воқеаларни ўқийману худди қандайдир меннинг ҳаётим ёзилаётгандай таассурот туғилди менда. Менинг ёшим 17 да. Худого шукр беш вақт намозимни ўқийман. Инсон узиға яхшилик қилган: ғам-хур, меҳрибон кишига яхшилик билан жавоб қайтаришини «инсонийлик» деб биламан. Мана шу инсонийликни оиламдан топишга ҳаракат қилдим, аммо топпадим. Мен у онамнинг менга зулм қўраётганини қўлаётган муносабатиға чидаб келаялман. Мен доимо онамни тушунишга ҳаракат қилдим. Нега деганда она барибир ўз йўлиға она-да. Аммо онам мени тушунмайди. У мени бахтли бўлишимни уйлаш, кузлаш нарийеда турсин, соғлим ҳақида ҳам уйламайди.

Ҳа, майли ҳам дейлик, соғлим ўз йўлиға. Ҳаттоки, шундай пайтлар бўладики, уйдаги бор егуликларни ҳам олиб ёйиш таъқиқланади. Онам ҳар бир ишда мени айбдор санаб, гумон қилдиган одат чиқарди. Мабодо бирор нарса уйда синса, бузилса, умуман барча-барчаси мен айбдор бўлиб чиқавераман. Ахир бу ҳондонда мендан бошқа фарзандлари ҳам яшайди-ку. Нима учун улардан мени ажратди? Ҳаттоки, онамларни мактаб менинг шаънимга эса бўлмағур гаплар гапирди. «Сен эрсиргансан, билмайман сени қаердан ҳам туққан эканман. Бир чиройинг ҳам йўқки, сени биронга эрга бериб қутулсам», — дегани деган. Нима, эр дегани магазинда сотиладиган бир бўш эдимикки, сотиб олиб тегиб кетсам. Ҳа, албатта гоҳида аччиғим ҳақ-

қуқимни ҳимоя қилиш учун гап қайтараман. Аммо фойдаси йўқ. Айтaversам гап қўп. Ҳаттоки бутун газетани тўлдириб ёзса ҳам тагин ортиб қолади. Ҳаммасига сабр қилавериб сабр қосаларим тулиб кетди. Лекин чидаш керак. Лекин қандай қилиб чидайман? Буни билмайман. Ушбу мактубни ҳам шундай воқеа яна бир марта руй берган вақтда аччиқ устиди ёздим. Ишонсаларинг онамнинг бу балги гаплари қалбимни шунчалар ҳам эздики ўз жонига қасд қилишимга сал қолди. Лекин нимагадир шайтонга ҳай бердим. Ўз жонига қасд қилиш, Оллоҳ берган бу еруг дунёдан кетиш жуда катта гуноҳдир. Лекин биласизми, менга бу дунёдаги онамнинг аччиқ гапларидан ҳам кура нариги дунёнинг дузахи афзалдек туюлади гоҳида. Мактабда синфдошларим оналари ҳақида гапиришса мен ўз онам ҳақида худди улар сингари гапиролмас эдим. Ҳаттоки кунглим учун дустларимни, қизларни ақали тугилган кунимда ҳам уйга чақиролмасдим.

**Умр баҳорининг
лоласи ёшлик,
Очилган гулларнинг
донаси ёшлик.
Ёшлиқдан кунглимга
шубҳалар солган,
Бахтсиз кунларимнинг
шоҳиди ёшлик.**

Инсон дунёга келибдики орзу қилиб яшайди. Мени ҳам орзуларим бор эди. Аммо бу орзуларим энди армон бўлиб қолди. Мен ушбу мактубимда онамни ёмонлаб ёзаётганим йўқ асло... Барча оналарга, —

«Илтимос, ёш қизларингизниг мурғак қалбига бир назар ташланг», — демокийдим. — Ахир қиз боланинг кунгли жуда ҳам нозикдир. Ҳар хил ёмон одатларингизни қиз боланинг олдида қилманг. Улардан бир оғиз ширин гапингизни аяманг. Ахир қиз болани ҳам не қийноқлар ила дунёга келтиргансиз. Уларни яхши ниятлар билан воёга етказинг. Чунки яхши ният, яхши орзу, яхши одоб билан воёга етказсангиз яхши кунингизда ҳам, ёмон кунингизда ҳам энг яхши ҳамроҳингиз ана шу фарзандингиз бўлади. Буни унутманг, асло.

Хозирги замон ёшлари мустақил бўлишни хоҳлайди. Ахир мустақилликка урганишса нима сиз ёмон, катталар эса кўпинча бунни тушунишни исташмайди.

Шу муносабат билан бир воқеани айтиб бермоқчиман. Мактабда ўқиб юрган пайтларимиз эди. Ўқувчилар саройидан бир гуруҳ ўқитувчилар келишди. Бизнинг мактабимизда иқтидорли синфлар жуда кўп эди. Шулар қатори бизнинг синфимиздан ҳам 5 та қизни танлаб олишди. Жами бўлиб мактабимиз бўйича 22та ўқувчини олишди. Бизларни ўқувчилар саройига олиб бориб маҳоратимизни синаб қуришди. Борган қизлар ичида мен, Нигора, Ширин, Гулбаҳор ва Орзуғул исмли қизларнинг овози жуда ҳам тоза ва жарангдор чиққани учун шу хор жамоага бизни ҳам қўшибди. Шу кунни ҳаммамиз уйга хурсанд бўлиб қайтдик. Мен хурсандлигимдан узимни қуярга жой тополмас-

дим. Чунки менинг орзуим энгди ушалгандай бўлганди. Лекин хурсандчилигим узокқа чўзилмади. Уйда онам бундан ҳабар топиб шунчалар дўпдўслаб урдикки, ургандан ҳам гапирган гаплари юрагимни тешиб ўтди. «Қурганлар нима дейди, қизи отарчи экан демаядими, кейин сени ким ҳам оларди», — деб яна уша бетамиз гаплари билан роса дилимни огритдики, асти қуяверасиз. Ахир уша пайтда мен эндигина 14 ёшда эдим. Эй, худо, нега мунча азоб-ўқубат ёғдиргансан-а бошимдан? Гуноҳим не эди? Ҳали ҳаётим олдинда-ку. Ёшлигимдан пешонам шунчалар шўр бўлса-я. Ахир қушиққа мойиллигим борлигини билишар эди-ку. Ҳа, майли дейман, тақдиримда шундай битилган экан. Ахир тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди-ку. Ушанда кечаси билан миҳжа қоқмай чиқдим. Эртага мактабга бориб қайси юз билан «хорда бошқа катнашмайман» — дейман. Хорнинг асосий ижрочиси ҳам мен эдим-да. Нима бўлса бўлди, деб тунни тонгга уладим. Эрталаб мактабга бориб не кўз билан қурайки, мактаб олди кий-чўв, ур-туполон эди. Мен аввалига ҳайрон бўлдим. Шу пайт Ширин исмли қизни, яъни кена хорга бирга борган шеригимизни қуриб қолдим. Ширин, Нигора узини осиб қўйибди», — деди. Ёкамни ушлаб қолдим. Чунки ўзингиз тасаввур қилиб қўлинг-а, кечанига кулиб, хурсанд бўлиб юрган қиз энди орамизда йўқ. Мен сал узимга келиб бўлган воқеани Шириндан сўрадим.

Бечора Нигоранинг оиласидаги ахвол меникдан ҳам баттарроқ экан. Унинг ҳам хорга катнашганини эшитиб онаси роса калтаклаб урган эмиш. Қиз эса бунга чидамай узини осиб қўйган.

Ана энди азиз муштарийлар, ўзингиз уйлаб қўринг-а, қушиқ айтишининг нима сиз ёмон. Ҳа, айтганча, бу воқеадан кейин албатта мен ҳам хор жамоамизни ташлаб кетишга мажбур бўлдим. Биздан кейин қолган уша учта қиз ҳозирги пайтда вилоятимизда «Уч қиз» гуруҳини ташкил этиб, концертлар қўйиб келади. Уларсиз вилоятимиздаги бирон-бир йилгилиш, томоша-ю, учрашулар ҳам утмайди. Уларга ҳавасим келади. Ахир мен ҳам мана шундай юлдузи порлаган қизлар қаторида ашула айтиб, ҳаётдан баҳра олишим мумкин эди-ку. Йўқ, мен узим бунни хоҳлаганим билан онам хоҳламаган эди. Нима бўлганда ҳам орадан 3 йил ўтди. Лекин онам ҳали ҳам менга нисбатан уша қаттиққўлликни давом эттираяпти. Мени 9-синфда мактабдан чиқариб олди. Мана 2 йил бўляпти ўқишга ҳам кирганим йўқ. Ҳўп онанинг қаттиққўллиги ўз йўлиға дейлик. Қиз болага балки шундай муомала-муносабат қилиш керакдир. Лекин шу билан бирга бироз кунлига қараб иш тутса ҳам бўладики. Йўқ, минг афсуски, менинг онамни қулидан бунақа олийжаноблик келмайди.

Онаминг менга нисбатан тутган муносабатидан чарчаб кетдим. Мен шу дамда оғир тушқунликка тушганман. Ҳаётимдан оғоҳ бўлган юртдошларимнинг бу борадаги фикрларини билишни истайман.

ЛОБАР

ЭНДИ УНГА БАХТ ТИЛАЙМАН

Ҳа, инсон борки орзу қилиб, бир нарсага интилиб яшайди. Менинг бир талай орзуларим бор эди. Лекин мана 2 ой бўлдики еган-ичган овқатимни билмайман, кечалари ухламай қийналиб чиқаман. Дардим ичимда... Ҳеч кимга, ҳатто яқин дўстимга ҳам айтилмайман. Севимли газетам, дардимни эшитиб, маслаҳат тузкин берадиган фақат ўзингсан деб билдим. Сендан бошқа мададкорим қолмади.

Ёшим 19-да, исимим Гулчеҳра. Уртаҳол оиладанман, ака-опаларим бор. Ҳаммаси уйли-жойли бўлиб кетган. Ота-онам пенсионер. Узим катта орзулар билан медицина билан юртига кириб тахсил олдим. Ҳозирда ҳамшира бўлиб ишламоқдам. Худо берган хусн ҳам бор. Ишимдан мамнунман, чунки касбимни севаман. Шунга яраша севги ҳам бор эди. Уша кеча мусавффо осмон, чарақлаб турган юлдузлар гувоҳ мен бир умр орзу қилган инсонни йўқотдим. Мен маҳалладошимиз бўлган у йигит учун ҳамма нарсага тайёр эдим. У мени доим тушунар, қийналсам ердан берар эди. Мен шундай йигитни севганим учун ҳеч қачон афсусланмас эдим. Орадан 2 йил ўтди. Лекин бизнинг севгимизни ўнинг яқин уртоғи Эдан бошқа ҳеч ким билмас эди. Чунки у шуни хоҳлар, баъзан сир сақлашимни талаб ҳам қилар эди. Мен бўлса ундан ажраб қолишимдан қурқиб оғзимга қулф солиб юрардим. Дугоналарим эса мени ҳеч ким билан гаплашмайди, деб уйлашар, баъзан сабабини ҳам сўрашар эди. Мен эса сир бой бермас эдим. Мен шунақанги унга боғланиб қолгандимки, уч кун курмасам турулмасдим. У билан учрашмоқчи бўлсам

уйдагиларга нималарнидир баҳона қилиб чиқар эдим. Уйдагилар бўлса ишонилар эди. Аммо севилганимизга 2 йил бўлса ҳам у бирор марта уйимизга совчи қизамасди. Ўқинишга тамомланган, туй қилмас эдим. Тамомлаб ишга жойлашиб олдим ҳамки совчилардан дарак бўлмади. Мен бунга ҳайрон эдим. Аслида, менга севги изҳор қилган йигитлар 1 ойга қолмай совчи жунатишар эди. Мен бунга парво ҳам қилмай, рад жавобини бераб эдим. Бу орада у шаҳарга ишга жойлашди. Уйига ҳар 3 кунда келар эди. Мен уни интизорлик билан кутардим, ҳеч бўлмаса учрашмасам-да бирор курсам деб кучага чиқар эдим. Кейинчалик биз 3 кунда эмас, 2 ҳафта, баъзан 1 ойда учрашадиган бўлдик, лекин севгим уша-уша эди. Кунлардан бир кун оғзим бўшлиқ қилиб Д. исмли бир қизга дардимни айтдим. У уртамиздаги воқеадан бизни муносабатларимиздан ҳабар топиб, мени бу йўлдан қайтишимни айтди.

Мен ҳеч қачон бундай бўлмаслигини айтдим, бу йўлдан қайтмайман дедим. Бунни у ҳам эшитиб нимага Д. га айтганимни сўраб, мени роса қойиди ва мени унга у билан учрашмайман деб айтишимни сўради, биз боиягидек учрашиб юраверамиз деди. Мен бундай қилмадим. Орадан анча кунлар ўтди, бир кун у менга зарур гапи борлигини ва 15 минутга чиқишимни айтди. Мен рози бўлдим. Шунда у менга яқинда туйи бўлишини

ва мен ҳам яхши бир йигитнинг этагидан ушлаб турмушга чиқишимни айтди, уртадаги муносабатларимизни ҳеч кимга айтмай сир сақлашни айтди. Шунда мен ёмон ахволга тушиб қолдим, худди елкамга бир тоғ ағдарилгандай бўлди, кўз олдим қоронғулашиб кетди. Ҳаётдан туйиб кетгандек бўлдим, уша ерда дод солиб йилгагим, ҳайкиргим келди. Наҳот мени 2 йил мобайнида алдаб келди яна кўздек қушини. 2 йил айтмоққа осон эмас. У мени ҳаётимни чил парчин қилди. Орзуларим батамом бўлди. Мен бунга ишонмас, ёлгон деб айтишини кутар эдим, афсус... ундай бўлмади. Мана бўлиб ўтган воқеа ҳам 2 ой бўлди. Лекин мен совуқроқ қилиб айтганда тирик мурдага ухшаб қолдим, ҳеч бир ишга қўлим бормайди, фикру-хаёлим унда. Агар кўчага чиқиб қолсам, у ишдан келаятган бўлади, ичим эзиллиб кетади. Мен уни севганим учун унуттолмайман. Ҳаёлларим ҳар кўчага етаклайди, кечалари йиллаб чиқаман. Лекин нимагадир умид қиламан, чунки у ҳам мени севди, биламан, лекин у нима-ларнидир уйлаб шу ишни қилган. Барибир биламанки бир кунни мени олдимга келади. Мен уша кунларни кутиб яшайман, шундай қиламану баъзан уйлаб қоламан, нимага бахтли бўлишга лойиқ эмасман, нимага ҳамма қизларга ухшаб биттасини ушлаб турмушга чиқиб кетавермадим дейман. Шунда яхши бўлиб кетармиди, мен ҳам унга қат-

тиқ боғланиб қолмасмидим дейман.

Мени айбим нима, Д. га ҳаммасини айтганимми? Балки уни уйдагилар мени келин қилишга рози бўлишмагандир, тўғри, биз оддий оиламиз, худого шукр ҳеч кимдан ҳам жойимиз йўқ, устимиз бут, қорнимиз туқ, олиб кетган жойимиз ҳам йўқ. Худо берган ризқни шукр қилиб, териб еймиз. Мен ҳам яхши келин, вафодор ёр, яхши она бўлишни орзу қилгандим. Афсус, минг афсус, мен уйлаган орзуларим рўёбга чиқмади. Лекин мен унга бахт тилайман, уйдагилар орзу қилгандек бадавлат жойдан келин қуришини тилайман. Лекин уша келин менчалик уни сева олмайди деб уйлайман, мен ҳам турмушга чиқарман, аммо жисмим турмуш уртоғимда, кунглим унда бўлса яшай олмайман, шунинг учун ҳеч қачон турмушга чиқмасликка қарор қилдим. Бир умр уни деб яшамоқчиман, барибир у келади ва кутаман, ҳеч қачон умидимни узолмайман. Агар сиз бунни ўқисангиз жаҳлингиз чиқмасин. Мен ҳам дардимни бир қишга айтишим керак-ку. Мен бунни сизларга эзиб анча енгил тортидим. Ўзларинг менга маслаҳат беринглар, қандай қилсам тўғри иш қилган бўламан. Сизларнинг маслаҳатларингизни интизорлик билан кутиб қоламан.

ГУЛЧЕҲРА

БУ ЁФИГА ЭНДИ НИМА ҚИЛИШМ КЕРАК?

Мен ҳозир 20 ёшдаман, исимим Мадина. Худого шукр, ота-онам соғ, уст бошим етиб ортади. Ишлайман. (бухгалтер бўлиб) Иш хонамизда бир йигит менга гапириб юради, у йигит ҳам менга ёқади. Ҳозир эса, менга совчилар келишяпти. Шуларни орасида буюмга ёқиб қолган бир хонадоннинг ўғлига мени беришмоқчи. Бу ҳақда мени ёқтирадиган йигит билди қолди. Лекин уни олди, ҳали уйланмаган 2 та акаси бор. «Улардан олдин ота-онамга бир нима дейла-майман», — дейди. Лекин мен уни тушунаман. Ахир акаларидан олдин уйланмайди-ку! Мен эса ўзининг катта фарзандиман, ота-онам ҳам туйлар, орзу-умидлар кургиси келади. Шунга нима қилишга ҳам бошим қотиб қолди. Ойимни ёшлигида қолдаси: «Агар мени қизим бўлсанг, шунга турмушга чиқасан», — деб айтган экан. Ойим бу гапдан кейин ҳеч қандай қар-шилик қўрсата олмай менинг дадамга тегиб кетган экан. Мана ҳозир ҳаммаси яхши, 4 та қизлари, 1 та ўғиллари бор. Севмасдан ҳам яшаш мумкин экан-ку! Лекин биз ҳужа авлодидан-миз. Бизни турмушга бераётганда, ота-онамиз аввалдан йигитнинг шу томонини сўриштиришди. Мен севган йигит эса ҳужа-ларданмас. Мен уни қутсам уйдагилар беришмас-чи, деб ҳам уйлайман. Онам менга «Қизим қачонгача танлайсан, синфдошларинг ҳам оз қолди», — деб маслаҳат беради. Лекин онамга уни ёқтираман деб айтилмайман. Шунинг учун сизлардан маслаҳат сўрамоқчиман.

Нима учун биз ҳужалар, ҳужаларга турмушга чиқишимиз керак? Бу ёғига нима қилишим керак?

МАДИНАХОН

ЙЎҚЛОВ

Назарлар биз томондир,
Гузарлар биз томондир,
Кўнгил мулки талондир.
Не яхши, не ёмондир, —
Бир кун оларкан, Эгам.

Хордиқ берганнинг ўзи,
Тортиқ берганнинг ўзи,
Ортиқ берганнинг ўзи,
Тортиб олар қачондир.
Бир кун оларкан, Эгам.

Хушдек келиб — кўчгай жон,
Тушдек кириб — ўчгай жон,
Кўшдек кўниб — учгай жон,
Жонки, омонат жондир,
Бир кун оларкан, Эгам.

Назарлар биз томондир,
Гузарлар биз томондир...

БУ ГЎШАДА БУРЧЛАРИМ БОРДИР...

(Туркум)

Мафтуна қизалоғим хотирасига

АВАЙХОН ҚАБРИСТОНИДА

Бу жойда кафтдайин ерим

бор менинг,

Бир ҳовуч тупроғим, бир юрак

гамим.

Умримнинг қайсидир кўчаларини

Еритиб улгурмай, сўнган бир

шамим.

Қабрингдаги ўтларни юлдим,

Бармоғимга кирди тиканлар.

Ўх, жонимга ботиб кетди-ку,
Кипригининг ёди, қизгинам...

Мижгонимга гард кўнди,
Хас илашди эғнимга.
Ташлаб кетманг, дегандек
Талпинади ортимдан
Қабрингдаги қизғалдоқ.

(1361-ҚАБР БОШИДА)

Фироқдай улкан ғамга
Миттигина сабрча.

Уйнамаган боламга
Уйинчоқдек қабрча.

Дил дафтарим қатида —
Қовжироқ қоқиғулим.
Парилар қабатида
Хур қизим, боқий гулим.

Сўзларингга зор эдим,
Ўтдинг-ку жим, безабон.
Энди майса тилида
Чулдирашларинг бийрон.

Олти йиллик умрида
Яшамаган олти ой,
Шу мунглигим — кўмримга
Жаннат боғи бўлсин жой,

Фулум МИРЗО

САДАҚА ҚИЛИНГАН СЕВГИ

(Боши ўтган сонларда)

Шу воқеадан бир ойда ўтган, қайсидир заво-
д бизга Навруз байрами қилиб беришди.
Уша байрамда биз болаларнинг ҳар биримизга
янги-янги кийимлар совға қилишди. «Уйи-
мизнинг дарвозаси олдида Света исмли қиз-
нинг онаси келиб қизини қақирдоқ. У қиз
мени олдимда торт еётган эди, ичимизда энг
кичиги ва эркатойи бўлганлиги учунми ҳамма
уни торт, ширинликлари, музқаймоқ билан
сийларди. Света ёши 6 да бўлишга қарамай,
ҳаётга узгача қарар, гаплашганда худди кат-
талардек муомалада бўлар, сузлари эса бур-
ро-бурро эди. Онасининг келганини эшитиб
ҳозиргина талашиб-тортишиб еб утирган шир-
инликларини ташлади-ю, дарвоза томон югу-
риб кетди. Ушанда, ун икки ёшлигимда она-
нинг биз учун қанчалик зарурлигини, меҳри-
нини эса қанчалар ноёблигини яна бир қарра
англаб етган эдим.

Светанинг ҳам анчадан буён онасини ку-
таётганлигини билганим учун секин оракси-
дан қикдим. Онасининг ёши 35-37 ларда бў-
либ пийнеста эканми ҳамма жойи кир-чир бў-
либ кетган. Юзлари, қўллари расволигидан
қорайиб уз тусини йўқотганди. Шундай бўл-
са-да Света дарвозадан сал нарида, ариқ
буйидаги ариққа утирган онасининг юзлари-
дан узгача меҳр-муҳаббат ила қониб-қониб
упарди. Онаси бу ерга ҳам ичиб келган се-
килли нималардир деб алхирар, қизини ба-
рига босиб сочларини силарди. Она-болани-
нг бир-бирига бўлган сеवгиси бундан-да, ор-
тиқ бўлмаса керак. Она сумкасини очиб қи-
зига икки дона қотган печенье олиб узатди,
унинг бор бисоти, қизи учун атаб олиб кел-
ган «совгаси» шу эди. Света ойжонисини қу-
лидан печенени оларкан худди улкан бир совға ол-
гандек узиди йўқ, хурсанд бўлиб кетди. Ваҳо-
ланки, ҳозиргина бундан-да ширин, юмшоқ пе-
ченелар, тортлар, шоколадларга қайрилиб қара-
маганди. У печенени бир донасини уз озгига со-
либ, иккинчисини онасига едира бошлади. Сизма-
ган эканман, уларга тегилиб туриб қўзларимдан
аллақачон ёқавериб юзларимни хўл қилган
экан. Тарбиячилар Светани онаси билан учраш-
увиға қарши шекили, олиб уни мажбуран ойси-
нинг бағридан тортиб олиб кета бошлади. Света
«ойжон», деб кетгиси келмай онаси томон та-
лпиниб йиглар. тарбиячининг қулидан чиқиб кетиш
учун узини ҳар ёққа ташларди. Кимдир кўнги-
роқ қилиб қақирган шекили, бир пайт мастларни
олиб кетадиган машина гизиллаб келиб қолди.
Машинадан тушган икки мишраб Светанинг ойси-
сини қулидан қутаришиб машина томон судраш-
ди. Света тарбиячининг қулидан чиқиб кетиб, бо-
риб ойсининг этагига тирмашди. «Ойжонимни
олиб кетманглар, ойжоним, ойжоним яхшила»,
— деб йиглар, унинг йигисини эса ҳеч ким эшит-
масди. Мишраблардан бири Светани онасидан аж-
ратиб олиб тарбиячига олиб берди. Ойсини эса
машинага тегиб олиб кетишди. Света эса онаси-
нинг ораксидан чинқириб йиғлаб қолди. Бу ман-
зара ун йилдириқ куз ўнгимда муҳрланиб қолган.

Шухрат гапиришдан тўхтаб, оғир ух тортди-да,
менга қаради.

— Нигора, сиз ҳам онангизни жудаям яхши кўр-
сангиз керак-а?

«Ха» дегандек бошимни силкиб қўйдим.

— Нега йиғлаяпсиз? Хафа қилдимми?

— Йўқ, йўқ, менга эътибор берманг Шухрат.

У қўзларимдаги ёшни қўли билан арта туриб:



— Агар йиғлайдиган бўлсангиз энди бошқа бу ҳа-
да гапирмайман, — деди эркалаб. «Хўп» дея бошим-
ни қимирлатдим. Шухрат бироз жим турган ҳикоя-
сини давом этди.

— «Детдом»-дан катта ҳаётга учирма бўлган пойта-
хтга ўқишга келдим. Шу пайтгача кўнглимга яқин ол-
ган одаммим фақат сизсиз Нигора, сизни дардларимни
тушунади, деб ҳаётимни гапириб бердим. Хали ҳа-
қиқий ҳаёт қийинчиликлари олдинда, ўқишимни ту-
гатиб ишлашим, уй-жой олиб ўйланишим керак. Ни-
гора, агар хоҳласангиз бир тақлиф қилмоқчиман.

— Қанақа? — деб юрагим бир орзиқиб тушиб
Шухратга қарадим. Балким ҳозир севишини айтар
деб фарз қилгандим.

— Сиз мендан бир ёш катта экансиз, агар қар-
ши бўлмасангиз сизни опа десам-да, опа ўрнида
курсан, нима дейсиз. Умри давомида инсоннинг се-
ган ёридан ташқари яна қандайдир бошқа бир яқини,
меҳрибони бўлиши керак-ку, шундайми? — дея
соддаларча тикилди Шухрат. Ҳайратлиқ қолдим,
шунча юриб менга ёмон куз билан қарамаган, қу-
лишни ушлаш у ёқда турсин қарашларидан узга ҳи-
сийет барқ урмагани сабабини энди-энди англаб ета
бошладим. Мен жинни қиз бу йигитга муҳаббат на-
зари билан боқиб кўнгли кўйиб юрган эканман.
Шухратнинг бу тақлифи мени ажаблантирди, унга ни-
ма деб жавоб беришни уйлаб бошим қотганди. У
эса мендан жавоб кутганича жовдираб қараб турар-
ди.

— Шухрат, нима учун бундай тақлиф қилаяпсиз?

— Бунинг боиси... аввалига мен сизга кўнгли
қўймоқчи эдим, сиз «ёғиз қизман оилада, отам ви-
лоятда ҳоким бўлиб ишлайди» — деганингиздан кей-
ин узимни тўхтатдим. Катта бир ҳокимнинг яқин-яго-
на қизи ҳеч кимни йўқ бир етим болага тегармиди,
текан тақдирда ҳам барибир отаси норози бўлади.
Ота норозими, демак бахтли бўлиш даргумон, деб

уйладим. Яна сиз «мен Шухратга ёқмапман», —
деб уйламаган Нигора! Асло, сиз энг гузал қиз-
сиз, Худо дейман агар сиздек сулув қизни уч-
ратсам. Мен сизга опа-ука бўлишни тақлиф қи-
лаётганимнинг боисини энди тушунгандирсиз.
Сизни кўнглимга энг яқин киши деб ҳисоб-
лайман, ёки сиз норозимисиз Нигора?

— Ҳалича бу ҳақда уйлаб курганим йўқ, Шух-
рат. Бу тақлифдан сўнг сиздан кейинроқ балки
бошқа ҳис-туйғулар уйғонмасмикан? — сурадим.
Шухратнинг тимқора қўзларига тикиларканман.

— Қизиқ экансиз Нигора, опама укалик меҳ-
ридан бўлак яна қандай ҳиссиёт уйғониши му-
кин?

— Балки...

— Асло, сиз менинг яккаю-ягона опам бўла-
сиз, келишдикми?

Индамайгина бош силкиб қўйдим, бу тақли-
фга рози бўлиш мен учун қанчалик оғирлигини
биласизми? Қалбим бошқа сузларни эшитишни
орзиқиб кутган бир дамда Шухратнинг бу та-
қлифидан юрагим йиглар, қўзларимда ёш йўқ,
ха-ҳа дилим хўн-хўн йигларди. Лекин бу ра-
нж унинг ҳам дилига озор бермаслиқни унинг
ёлвориб сураётгандек эди. Сабаби: миттигина
юрагим улкан муҳаббатнинг тузалмас дардига
севиш, кўнгли қўишга ўлгурганди. Мубтало бўл-
ган ишқининг ширин азоби Шухратни муҳаббат-
ни тушунай узгача меҳр билан муносабатда
бўлганлигини кечиришга даъват этарди. Шухра-
тимнинг маъюслиниб, гилт-гилт куз ёшлари
оқишга шайланиб турган, лекин йигитлик ор-
номуси тўсқинлик қилаётган мардонавор тикилиб
турган қўзларига қарадим.

— Бир умгами Шухрат?

— Ула-улгунча Нигора!

Бу ердаги вазиятда узга бир нотаниш йигит
бўлганида албатта музичин шайтоний ҳирсини
қондиришга, ёхуд муҳаббат изҳори қилишга, бу-
са олишга ҳаракат қилган бўлур эди. Шухрат эса
бундай қилишни ҳаёлига ҳам келтирмаётганлиги,
менинг унга нисбатан бўлган севиғимни ун чандон
оширганди. Тишимни тишимга қўйиб, зурга ўзим-
ни босиб утирдим. Ҳар қанча узини яқин олиб ука
бўлишни истаётган бўлса-да, орамиздаги «бегона»
дея аталмиш қуринмас девор мени Шухратни қу-
чоклаб ўпиб олишдан, йиғлаб-йиғлаб бағрига бо-
сишдан сақлаб турарди. Меҳр билан қўлини уш-
ладим. Шухрат қўлимини устига қўлини қўйиб со-
чларимни силаркан қўзлари севиғин билан юзимга
қаради.

— Дунёда ёғиз эдим, сиздек қизни топиб ҳам-
дод бўлиб яккалигимни унутганим, Нигора. Хоҳ-
ласангиз бир умр посбонингиз бўламан. Фақат бу-
лажак поччам мени рашк қилмасалар бас. Чўнки
сиз бир-биримизни ҳар қанча турғи тушуниб яша-
сак-да, узгалар бизни бегона санашлари мумкин.

Қўлим билан Шухратнинг ёнокларини босдим.

— Ундай деманг Шухрат! Агар уша йигит сизни
мендан рашқ қилиб опа-укалигимизни тан олмаса мен
ундан юз утираман. Сиздан эса ҳеч қачон воз кеч-
майман. Истасангиз онт ичман.

Орадан бир ҳафта ўтиб Шухратни бир ойда Са-
марқанда практикага жўнатишди. Кетаятганида по-
ездга кузатиб қўйдим, биласизми, йиғлаб қолиб-
ман. Узимга келиб Шухратимдан қаерга, қайси
жойга практикага кетаятганлигини сурамаганимдан
афсусландим. Ҳатто қанча муддатта кетганлиги ҳам
менга аниқ эмасди. Бизнинг ҳам ўқишларимиз ту-
гаган, таътил учун Фарғонага, ота-онам истиқомат
қиладиган.

Дилшод ҚўЛДОШЕВ.

(Давоми бор)

Ойла ва жиният

Мақолада келтирилган фак-
тлар, воқеалар, маълумотлар
учун муаллиф жавобгар
ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят
нуқтаи назаридан фарқ қили-
ши мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилин-
майди ва муаллифларга қай-
тарилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар :
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзил Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41- уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35.
Босишга топширилди - 21.15.

Ҳомий
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

Обуна индекси - якка обуначилар учун 176
ташкilotлар учун 177
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 0202
33573 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ,
Чоршанба кўнлари чиқади.
Баҳоси эркин нарҳда.
Рассом — Н. ХОЛМУРОВОВ.
Навбатчи Н. ИҮЛДОШЕВА.